70297

МАТБУОТ ВА БОЗОР ИКТИСОДИЁТИ

СИРДАРЁ. "Янгиер тонги" шаҳар газетаси ўтган йили Америкининг Евроосиё минтақавий жамғармаси кўрик-танловида ғолиб чиқиб, иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлганди. Яқинда унинг таҳририятида вилоятнинг барча газеталари муҳаррирларининг беш кунлик семинари ўтказилди. Гулистон давлат университетининг етакчи иқтисодчи олимлари суҳбати уюштирилди. "Янгиер тонги" бош муҳаррири Ш. Холмуродов бозор иқтисодиёти шароитида иш юритиш тажрибаси билан ўртоқлашди.

Абдужалил УМАРОВ.



Маънавий эҳтиёж. *И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.*

ЭЛЧИ ХОНИМНИНГ ҲАДЯСИ

АНДИЖОН. Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Хэй хоним Андижон тиллар институти жамоаси билан учрашди. Институт ректори, профессор М. Умархўжаевнинг доцент Ш. Алимов билан ҳамкорликда тайёрлаган инглиз тилини ўрганиш қўлланмаси элчи хонимга маъқул келди. Барбара Хэй хоним институт жамоасига инглиз тили бўйича дарсликлар, луғат, Буюк Британия ҳақида қизиқарли китоблар, газета-журналлар ҳадя қилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

КУННОМА

янгиликлар
воқеалар
хабарлар

ОҒИРЛАРИ ЕНГИЛ БЎЛДИ

ФАРҒОНА. "Деҳқонобод" жамоа хўжалиги туман марказидан анча олисда. Қишлоқ аҳли зарур бозор-ўчар учун шаҳарга ёки Қува тумани марказига қатнашга мажбур эди. Энди бу муаммонинг олди олинди. Барча қулайликларга эга бўлган бозор фойдаланишга топширилди. Деҳқонободликларнинг узоқлари яқин, оғирлари енгил бўлди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Нон азиз. *Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.*

ЧЎПОНЛАР ЁЛҒИЗ ЭМАС

БУХОРО. Чўпонларга ўзига хос ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Чунончи, "Соғлом авлод учун" жамғармаси вилоят бўлими жонкуярлари "Қизилравот" қоракўлчилик хўжалиги отарларида бўлиб, яйлов ва ҳодирларини тиббий кўрикдан ўтказдилар. Шунингдек, юз нафар чўпон болаларига кийимкечак, пойабзал, сочиқ, "Жондор" шампуни инъом этилди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 4 февраль, сешанба № 15 (22.100).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 4 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	43,02	1 Норвегия кронаси	8,67
1 Австрия шиллинги	4,87	1 Польша злотийси	18,78
1 Англия фунт стерлинги	90,22	10 Португалия эскудоси	3,43
10 Бельгия франки	16,63	1 Сингапур доллари	40,04
1 Голландия гульдени	30,54	1000 Туркия лираси	0,49
10 Греция драхмаси	2,18	1 Финляндия маркаси	11,52
1 Дания кронаси	8,99	1 Франция франки	10,16
1 БАА дирҳами	15,35	1 Швеция кронаси	7,76
1 АҚШ доллари	56,35	1 Швейцария франки	39,55
1 Миср фунти	16,62	1 ЭКЮ	66,31
1 Ирландия фунти	89,31	10 Жанубий Корея вони	0,65
1 Исландия кронаси	0,81	10 Япония иенаси	4,64
10 Испания песети	4,06	1000 Россия рубли	10,01
100 Италия лираси	3,49	1 Украина гривнаси	29,99
1 Канада доллари	41,88	1000 Беларусь рубли	2,68
1 Хитой юани	6,79	1 Эстония кронаси	4,45
1 Қувайт динори	186,40	1 Латвия лати	98,00
100 Ливан фунти	3,65	1 Литва лити	14,09
1 Малайзия рингити	22,70	1 Қозоғистон тенгеси	0,75
1 Германия маркаси	34,30	1 Қирғизистон соми	3,30

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ – РУМИН ТИЛИДА

Руминия — қадимий тарих, ўзига хос гўзал табиат ва маданиятга эга мамлакат. Румин халқи ўз тарихий тараққиёти давомида тақдирнинг жуда оғир синовларини бошидан кечирган. Аҳолиси деярли Ўзбекистон билан тенг бўлган Руминия Республикаси билан иқтисодий, сиёсий, маданият соҳасидаги алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Бу орада Президент Ислом Каримовнинг ўтган йили Руминияга қилган расмий сафари икки томонлама ўзаро ҳамкорликда муҳим босқич бўлганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда Руминия ҳам Ўзбекистон сингари бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврини кечирмоқда. Очиқ айтиш керакки, бу мураккаб ва машаққатли жараён осон кечаётгани йўқ. Кейинги йиллар давомида бир неча ижтимоий ларзаларни бошидан ўтказган румин халқи ўз тараққиёт йўлини изламоқда, бошқа давлатлар, хусусан, Ўзбекистон тажрибасини синчиклаб урганмоқда.

Шу сабабли Руминиянинг мамлакатимизга нисбатан катта қизиқиши табиийдир. Яқинда Бухарестдаги «Спинол» нашриёти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини румин тилида кўп минг нусхада нашр этди. 30 январь куни Руминия пойтахтидаги энг катта китоб дуконларидан бири — «Академкитоб» магазинида мазкур нашрнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Китоб Руминиянинг «Малекс» фирмаси томонидан нашрга тайёрланган. Бу фирма Европа ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо кўпгина мамлакатлар билан илмий технологиялар борасида ҳамкорлик қилади.

Китобга Бухарест иқтисодий билимлар академиясининг ректори, профессор Пауль Бран сўзбоши ёзган. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Мен Ўзбекистон Президенти жаноб Ислом Каримовнинг мазкур китобига сўзбоши ёзиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Китобнинг шахсан мен учун эътиборга сазовор жиҳати шундан иборатки, унда марказлашган режали хўжалик юритишдан эркин бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос янгича концепцияси ишлаб чиқилган. Муаллифнинг назарий хулосалари теранлиги, ҳаётий ва истиқбол сари йўналтирилгани билан айниқса қимматлидир. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, бу назарий ғоя ва қарашлар муаллифнинг мамлакатида муваффақият билан амалга оширилмоқда.



Мен Ўзбекистон тажрибасини бир неча йиллан буён синчиклаб урганиб келаман. Айтиш лозимки, бу ғоятда зарур, ноёб ва ҳаётий тажрибадир.

Мен бир неча йиллар мобайнида хўжалик юритиш тизими айнан Ўзбекистонга ўхшаш Молдовада хизмат қилганман. Шу сабабли социалистик иқтисодиёт моҳиятини яхши биламан, деб айта оламан.

Президент Каримовнинг бу асари билан танишар эканман, мен уни ўзим учун улкан назариётчи ва амалиётчи, иқтисодиёт илмининг билимдони сифатида кашф этдим.

Гарчи бу асар соф иқтисодий мавзуда ёзилган бўлса-да, мен унинг бутун руҳидан муаллифга хос юксак ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғусини ҳис қилдим.

Ўйлайманки, бу китоб Руминиядаги иқтисодчи олимларга, тадбиркорлар ва мутахассисларга, жумладан, бизнинг иқтисодий билимлар академиямиз студентларига ҳам муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади».

Китобнинг тақдимот маросимида «Спинол» нашриётининг директори, профессор Ион Мочиони, профессор Пауль Бран, «Малекс» фирмасининг президенти Мирча Николаеску, Украинанинг Руминиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Александр Чалий, Ўзбекистон Республикаси Давлат истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Ғафуров сўзга чиқдилар.

Руминия оммавий ахборот воситаларида тақдимот маросими атрофлича ёритилгани бу китобга бўлган катта қизиқишнинг яна бир далилидир.

«Малекс» фирмасининг президенти жаноб Мирча Николаеску китоб ҳақидаги ўз фикрларини шундай баён қилди:

«Мен хизмат юзасидан дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўламан. Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпгина мамлакатлари билан ҳам амалий муносабатлар олиб бораман. Ўтган йили Ўзбекистонда бўлганимда у ерда амалга оширилаётган ислоҳотларни ўз кўзим билан кўриб, бошқа давлатлар билан бевосита таққослаш имконига эга бўлдим.

Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт йўли ҳар томонлама ўқиб-ўрганишга арзийди. Мустақкам ҳаётий заминга қурилган бу ноёб тажриба ислоҳот йўлидан бораётган бошқа халқлар ва бошқа жамиятларни бу йўлда учраши муқаррар бўлган хатолардан асрашга аминман. Президент Каримовнинг ушбу китоби тадбиркор сифатида, иқтисодчи сифатида шахсан менинг ўзимни қўпдан буён ўйлантириб юрган мураккаб муаммоларга жавоб топиб берди. Шунинг учун мен бу асарни румин ўқувчилари эътиборига ҳавола этишга қарор қилдим.

Фурсатдан фойдаланиб, Президент Ислом Каримов жанобларига ўзбек халқи фаровонлиги ва тараққиёти йўлида олиб бораётган ишларига катта муваффақият тилайман».

Ҳар қандай китоб ҳам аввало унинг ижодкори, қоласерса, шу муаллиф мансуб бўлган халқнинг маънавий кўзгусидир. Ислом Каримовнинг бугун румин тилида ўқилаётган китоби халқимизнинг бир-бирига нисбатан эзгу туйғулари, олижаноб интилишларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(ЎзА).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

• Польша Президенти ўз мамлакатининг НАТОга аъзо бўлиб киришга интилаётганлигини тасдиқлаб, НАТО кенгайгандан кейин «Россия билан жуда яхши муносабатларда» бўлишга ишонч билдирди.

• Непал шимолида Рихтер шкаласи бўйича 5,8 балл кўчга эга бўлган ер силкиниши юз берди. Ҳозирча талафот ҳақида тўлиқ маълумотлар йўқ.

• Мацзу оролига жойлашган Тайвань солдатлари ХХР балиқчиларига қарата ўқ узишди. Натижада бир киши ҳалок бўлди.

• Сенегалнинг Табакунда шаҳарчаси аэропортидан самолёт уча туриб ҳалокатга учради. Бунинг оқибатида 20 киши ҳалок бўлди ва 32 киши эса оғир жароҳатланди. Ҳалок бўлганлар орасида Гвинея-Биссау давлати Президентининг ўғли ҳам бор.

ОИЛА ҚУВОНЧИ

УРГАНЧ. Ғойбу қишлоғида истиқомат қилаётган Раҳимбой Қуриёзов билан Гулнора Матёқубовалар оиласи бир йўла уч кишига кўпайди. Оллоҳ бераман деса, деганларидек учта қиз эгизак дунё юзини кўрди. Туман ҳокимлиги, С. Қаландаров номли жамоа хўжалиги Ойша, Фотима ва Ҳовожонларнинг келажагини ўйлаб, бу оилага моддий ёрдам кўрсатишди. Эгизаклар номига алоҳида ҳисоб рақами очилди. Чақалоқларга бириктирилган ҳамшира парвона бўлиб турибди.

(Ўз мухбиримиздан).

Мужда

ҲАМЁННИ ЙЎҚОТСАНГИЗ ҲАМ ВИЖДОННИ ЙЎҚОТМАНГ

Автобусда бораётган эдик. Тиқилинчда кимдир:

— Ҳамён кимники? Ким ҳаёмнини тушириб қўйди? — деб қолди баланд овозда.

Овоз келган томонга қарадим. Йигирма ёш атрофидаги йигит қора ҳамённи баланд тутиб:

— Ерда тушиб ётган экан. Мана. Кимнинг ҳамёни, — дер эди.

Ёнимда турган аёл ҳаводаги ҳамёнга бир қарадида, безовталанди. Уёқ-буёғини қараб кўрди. Кейин йигит томонга ўгирилиб:

— Менинг ҳамёним, пальтомнинг чўнтагидан тушиб қопти, — деди овози титраб.

Назаримда, барча йўловчилар аёлга ғалати, ишониб-ишонқирамай қараётгандек туюлди. Шунда аёл:

— Ичида паспортим, ойлик йўл чиптам бор. Ўтган ойнинг чиптаси ҳам бирга, битта елим ғилофга солинган, — деди.

— Пул-чи, пул йўқми ҳамёнингизда, — деб қолди ҳангоматалаб кимдир.

— Саксон беш сўм пул ҳам бор. Ҳаммаси беш сўмлик...

Бу орада ҳамён ўз эгасига қайтди.

Йигит «кўп раҳмат» эшитди.

Автобусдаги тиқилинчдан хижолат турганларнинг кўнглига зумда илиқлик ёйилгандек бўлди. Йўловчилар бирдан кечиримли, меҳрли бўлиб қолдилар гўё.

Йигит ҳамённи кўриб кўрмасликка олса ёки ўз чўнтагига солиб қўйса, нима бўларди? Барибир ҳеч ким уни қойимасди-ку. Йигитни ҳамённи ўз эгасига қайтаришга ундаган нарса нима? Балки тарбия, ҳалоллик, китоблардан олинган таассурот, эҳтимол панд-насиҳатларнинг таъсиридир. Эҳтимол, шуларнинг барчасидир.

Замон ундай бўлиб кетди, дея нолиймиз, одамлар бундай бўлиб кетди, дея куюнамиз. Орамиздаги ана шу йигитга ўхшаганларни ҳам кўрайлик-да. Шулар ҳам ўзимизнинг биродарларимиз-ку. Юрт шундай одамлар билан обод эмасми?

Ўша куни бу кичкина, арзимасдек туюлган воқеага гувоҳ бўлганларнинг кайфияти кўтарилиб юрган, меҳнатлари ҳам унумли бўлган бўлса, ажаб эмас.

Салим АШУРОВ.

Деҳқон ва томорқа. Бу муштарак тушунча 90-йиллар бошларида ўзгача бир маъно касб этди. Шўро тузумининг сўнгги йилларидаги ижтимоий тангликни бартараф этиш мақсадида марказнинг хоҳишига қарши ўлароқ Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан деҳқонларга томорқа ерлари ажратиб берилишининг бошланиши айни муддао бўлди. Бу хайрли иш натижаси ўлароқ одамларимиз яратувчилик меҳнати билан банд бўлиб, ўзларига берилган томорқалардан мўл-кўл сабзавот, мева етиштириш учун фойдаланишга киришдилар. Айтиш мумкинки, одамларга ер берилгани том маънодаги ислоҳот бўлди. Хўш, бугунги кунда деҳқонларимиз даромад манбаи бўлган томорқадан қандай фойдаланмоқдалар? Умуман, одамларга ажратилган ер фойда келтиряптими?

ТОМОРҚА — ХАЗИНА

МЕҲНАТ ЭСА УНИНГ КАЛИТИДИР

ФАРҒОНА

Биргина Олтиариқ туманининг ўзида кейинги йилларда 3,5 минг гектарга яқин ер томорқага, янги уй-жой қуришга ажратиб берилди. Аҳоли тасарруфидаги экин майдонлари икки бараварига кўпайди. Олтиариқлик деҳқонлар томорқаларини кузатар экансиз, давлатимизнинг бу йўналишдаги сиёсати ижобий самара берганини кўрасиз. Тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида Мусажон Мамажонов исмли ижарадор бор. У жамоа хўжалигида 10 гектар ерни ижарага олиб, пахта экади. Ҳар йили 35-40 центнердан ҳосил олиб, ишни дўндиради. Лекин унинг ўз томорқасида ишлашини ҳам кўринг. Энг эртанги бодринг Мусажонникидан чиқади. Бодринг сотилаётган пайтдаёқ у ўша жўякларга қалин экилган оқ жўхори экади. Августга келиб оқ жўхори пишиб етилади. Миришкор деқон 50-60 минг сўмлик бодринг сотади. Айни пайтда бир-бир ярим тонна оқ жўхори дони, минг боғ хашак олади. Кейин эса ерни тозалаб маҳаллий ва минерал ўғитлар солиб шудгор қилгач, яна жўяк тортиб турп ва шолғом экади. Қарабсизки, ноябрга келиб 5-6 тонна турп ва шолғом ҳам етилиб турибди! Хуллас миришкор деҳқон бир йилда уч карра ҳосил кўтаради. У бой бўлмай ким бой бўлсин? Ҳозирги пайтда ҳатто бодринг билан бир пайтда пушта тепасига картошка экиб бир ердан тўрт марта ҳосил олаётганлар ҳам бор.

Албатта деҳқонлар катта даромад топишяпти. Масалан, мен ўзим яшаб турган Эскиариқ қишлоғидан томорқадан келган даромад эвазига деҳқонлар бир йилнинг ўзида юзга яқин енгил машиналар сотиб олишди ва данғиллама уйлар қуришди. Оддий деҳқонлар орасида томорқадан келган даромад эвазига чет эл машиналарини миниб юрган азаматлар кўп. Қандини урсин!

Деҳқонлар бу билан кифояланиб қолишмаяпти. Янгиқўрғон қишлоғидаги Тошқўрғон маҳалласида 10 та деҳқон оиласи «КамАЗ» юк машинаси сотиб олди. Энди улар ўзлари ва қўни-қўшниларникида етиштирилган сабзавот, мева-чеваларни чет элларга олиб бориб сотиб келишаяпти. Шимолни-ку қўяверинг. Ўтган йили ҳатто Эронга карам элтиб сотиб келишди, барака топкурлар. Айни пайтда Олтиариқ тумани деҳқонлари қўлларида юзга яқин шахсий «КамАЗ»лар бор. Қолган русумдаги машиналар, тракторлар ҳам кўп...

— Томорқада деҳқончилик қилиш соҳасида туманимизда жуда катта тажриба тўпланган, — дейди туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Аъзамжон Муҳиддинов. — Бодринг, турп, узум ва бошқа мевалар етиштириш соҳасида боғбон ва деҳқонларимиз миришкордир. Айтишларича, Американинг Калифорния штатида Олтиариқнинг бодомини ўстиришаётган эканлар. Одамларимиз ҳаттё қир - адирларга сув чиқариб, боғ-ҳаво жойларда бодомзорлар, экинзорлар қилмоқдалар. Бу тадбирлар, албатта, хонадонларни, элимизни бой-бадавлат этишга хизмат қилади.

Албатта, бу борадаги ишлар ҳамиша ҳам силлиқ кечаётгани йўқ. Томорқаларга сув ажратиш муаммоси ҳал этилмаган. Илгаригидай сувнинг катта қисми жамоа хўжаликлари ерларини суғоришга ажратилади-ю, мева-сабзавотнинг 60-80 фоизи етказиб берилаётган томорқаларга сув ажратишга келганда негадир иккиланиб қолишади...

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИРДАРЁ

Томорқа хўжаликлари ҳақиқатан ҳам халқимиз учун ҳалол ва беминнат даромад манбаидир, бир парча ердан топган луқмамиз ҳалол ва баракалидир. Тома-тома кўл бўлур деганларидек, Сирдарё вилоят томорқа хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар салмоғи ортиб, турлари кўпайиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили вилоят аҳолисининг томорқа хўжалигида жами 13 минг 241 тонна ғалла, 29 минг 440 тонна полиз, 36 минг 740 тонна сабзавот, 9418 тонна картошка, салкам 3 минг тонна хўл мева, 1765 тонна узум ҳамда бошқа хил маҳсулотлар етиштирилди. Вилоятнинг Сирдарё, Сайхунобод, Ховос, Гулистон туманлари томорқа хўжаликларидан баракали фойдаланилаётганини таъкидлаб ўтсак арзийди.

Бироқ эндиликда гапнинг сирасини айтганда, бу билан қаноат ҳосил қилиб бўлмайди! Ярим-ёрти иш қилиш, қўл учида иш бажариш билан — биз, сирдарёликлар бозор иқтисодиётига кираолмаймиз, албатта...

Қаранг, вилоят бўйича жами томорқа хўжаликларида соф экин майдони 15 минг 76 гектарни ташкил этади. Хўш, бу кўпми ёки озми? Бу саволга жавобан шуни айтиш мумкинки, бу — йирик бир туманнинг ялпи экин майдонига тенг. Бунинг суғориладиган, унумдор жойлар эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ер қадри нақадар юқори эканлигини чуқурроқ англаймиз! Бутун бошлиқ туман шунча майдондан унумли фойдаланса, ўз маҳсулоти билан вилоят аҳолисини таъминлабгина қолмай, четга ҳам маҳсулот чиқариши мумкин.

Энди чет элдаги фермерларнинг шунча экин майдонидан қанчадан даромад олишлари мумкинлигини тасаввур этиб кўрайлик. Тўкин- сочинлик, маъмурчилик шундан келиб чиқади-да!

Далил ва таҳлил

Лекин баъзи одамлар шахсий томорқа олгунча елиб - югурадилару, мақсадларига эришгач ерни ташлаб қўядилар. Бу каби ҳолларни афсуски, кўплаб учратиш мумкин.

Сўнгги йилларда халқимизнинг хоҳиш-истаклари инобатга олиниб, кўплаб хонадон соҳибларига шахсий томорқалар учун ер ажратилди. Бироқ афсуски, барча ер эгалари ҳам бундай имкониятлардан самарали фойдалана олмадилар. Оқибатда сохта ер эгаларига нисбатан амалий чоралар кўришга тўғри келди. Хусусан, вилоятнинг Шароф Рашидов, Оқолтин, Мирзаобод туманлари, Янгиер шаҳрида бундай ҳоллар кўпроқ кузга ташланмоқда. Ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг бошида Шароф Рашидов туманида 11,5 гектар, Оқолтин туманида 9 гектар ер икки-уч йил ва ундан ҳам кўпроқ муддатдан буён фойдаланилмагани учун эгаларидан қайтариб олинди.

Вилоятнинг Мирзаобод туманида томорқа хўжалигига эътибор айниқса суст. Ўтган йили туман томорқа хўжаликларида гектар бошига бор йўғи 11 центнердан ғалла, 20,3 центнердан картошка, 41,9 центнердан сабзавот олинди. Бу кўрсаткичларни изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Мирзаобод туманида яқинда жами 17 гектар ер совуққон эгаларидан қайтариб олинди.

Мирзаобод тумани ҳудуди вилоят маркази билан туташиб кетган. Бу эса томорқа эгаларига кўп томонлама устунликлар ва қулайликлар беради. Лекин негадир туман аҳолисида ўз томорқа хўжалигига меҳр йўқ. Шунинг учун ҳам туман аҳолисининг аксарият қисми сабзавот, мева, полиз маҳсулотларини харид қилиш учун вилоят маркази бозорларига қатнайдилар. Сув бўйида сувга ташналар, деб шуни айтсалар керак-да! Бундай ҳолни юқорида тилга олинган Шароф Рашидов, Оқолтин, Меҳнатобод туманларида ҳам кўриш мумкин. Афсус...

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов қишлоқ хўжалиги ходимлари олдига катта вазифалар қўйди. Шу жумладан, деҳқонларнинг томорқа ерларидаги аҳволи, улардан фойдаланишнинг ҳолати муаммоларига тўхталди. Қишлоқ ҳақида қайғуриш барчанинг иши бўлмоғи зарурлигини таъкидлади. Бинобарин, томорқа масаласининг ҳуқуқий жиҳатларини, ҳажмини яна бир бор кўриб чиқиб, унинг келажагини ўйлаш, мулкчиликнинг бу шаклига давлат ўз кафолатини бериши, уни ҳимоя қилишни йўлга қўйиш муҳимдир. Умуман олганда, деҳқонларимизнинг томорқачиликдаги ютуқлари томорқа деҳқон учун даромад манбаи бўлиб қолиши мумкин ва зарурлигини кўрсатмоқда!*

Ислоҳот ва масъулият

ДЕҲҚОН БУВАНИНГ ХИРМОНИ

... Саъдулло шоғол бувани ҳар доим дала бошида учратишга ўрганганман. Нафақада бўлса-да тинчимайдиган одам. Қўшимча томорқасида, ўглининг ижара пудратига қуйингани-куйинган. Йил — ун икки ой шундай.

«Шоғол» — лақаби эмас, қадим бобокалонларимиздан мерос уруғи атамаси. Қулон Қорабоғда ёши каттаси ҳам — Саъдулло бува.

Ўтган йили кузги буғдойдан энг кўп хирмон кўтарган ҳам шу Саъдулло бува. Қўшимча томорқаси ва озроқ партав ердан нақ бир тонна буғдой олди! Ахир айрим хонадонлар ана шу миқдордаги томорқасидан юз килоча ҳам ҳосил ололмадилар-да.

Саъдулло бува йил бўйи ун излаб овора бўлиб юрмайди. Бир тонна буғдойдан камида ўн саккиз-ун тўққиз қоп ун чиқади. Катта-кичик ун тегирмонлари қишлоқнинг барча элатида кеча-кундуз ишлаб ётибди. Эҳтиёжига қараб бир-икки қоп буғдойни аравага ортиб тегирмонга боради. Бир чой ичгунча ун тайёр. Ўртача оила бу ун билан бир ярим ой бемалол тирикчилигини ўтказади.

Деҳқонларимиз буғдой экиш, парваришлашни ёддан чиқарган эканлар. Дастлабки йилларда кўзлангандек ҳосил олинмагани — шунинг оқибати. Ҳатто мутахассислар ҳам буғдойни қачон экиш, қандай майдонларга экишни аниқ айтиша олмади. Хўжаликлар раҳбарлари эса пахта майдонларини аввалгидек сақлаб қолиш ниятида буғдой учун камҳосил, шўрхок ерларни ажратишди. Натижа маълум — кўпгина қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил кутарилиб келинаётган Хоразм воҳасида кўнгилдагидек хирмон яратилмади. Айрим хўжаликлар ҳар гектардан ҳатто ўн центнердан ҳам ҳосил ола билмадилар. Бу эса буғдой етиштириш учун кетган харажатларни ҳам қоплай олмасди.

Буғдойнинг нозик экин эканлиги, шўрхок майдонларда яхши унмаслиги, камҳосил бўлишини ниҳоят иккинчи ҳосил мавсумида тушуниб етдик. Саъдулло бобо ўзининг билганидан қолмади — илкига тушган ўн уч сотих қўшимча томорқасидан қандай экин тури бўлсада юқори ҳосил кутаришга одатланган учун бор тажриба, куч-қувватини шу парча ерга тўкди...

«Аввало юртбошимизга раҳмат, қўшимча томорқа ажратилгани айни муддао бўлди-да. Ризқимизни ердан олаяпмиз. Хўжаликдан ижарага олинган бир гектардаги пахтани шартномадагидек етиштирсак — қарабсизки, оиламизга бир йил қозон қайнатгудек ёг келиб турибди. Яна чорвага ем, денг. Терим пайтида берилган пул эса рўзгорнинг майда-чуйдасига кетади. Бунинг устига богполиздан ҳам оилага етгулик мева, сабзи-пиёз оламиз, ортиқчасини сотишимиз ҳам мумкин. Хуллас кўнглимиз тўқ.

Хўш, бир қарич ердаги дон нимаям бўларди, дерсиз? Ҳар бир оила ўзига етарли ғалла олса ёмонми? Шунда хўжаликлар етиштирган буғдой шаҳар аҳолисига, бошқа муассасаларга юборилади. Қарабсизки дон мустақиллиги сиёсати аста-секин ўз ечимини топиб бормоқда.

Вилоятда 40 минг гектардан зиёд майдонга кузги буғдой экилди, яхши ниҳол олинди. Ана шу майдонларнинг қирқ фоизга яқинини хонадонларнинг қўшимча томорқаларига экилган буғдой ташкил қилади.

Бу борада Боғот туманида яхши кўрсаткичларга эришилди, хонадонларнинг икки минг гектардан зиёдроқ қўшимча томорқаларига экилган буғдой яхши ривожланиб, ёзда уюлажак юксак хирмондан дарак бериб турибди.

Воҳада қиш қуруқ келаяпти. Ёғингарчилик нисбатан кам. Бир-икки марта ёққан қор ҳам кўп турмади. Саъдулло бува айтмоқчи, «Қор буғдой ниҳолларига кўрпа ўрнига ўтди, эригач, куч-қувват бўлди, ернинг шўрини ювди. Насиб қилса, ҳосил мўл бўлади...»

Бу қуруқ гап эмас. Ҳали ерларга қор тушмасдан Саъдулло бува қўшимча томорқасидаги тўлиқ униб чиқиб, далани тўлдириб, панжа отаётган буғдойзорга ўғит тўкишга улгурганди. Бува қишдаям дам олишни ўйламади. Арава билан буғдойзорига маҳаллий ўғит чиқазди, бир текис қилиб ёзди...

«Одамларимизда эскидан қолган тушунчалар ҳали барҳам топганича йўқ, — деганди ҳазорасплик бир раис. — Давлат мени боқади, деб бемалолчилик кайфиятига берилиб юрадиганлар бор. Айрим хонадонлар ҳатто қўшимча томорқаларини экмасдан, партавга айлантиришган. Куни бозорда ўтади, кунда ейдиганини топса бўлди. Эрта билан ишлари йўқ. Ахир вақтида экиб, парвариш қилишса — оила омборида ярим тонна буғдой турса ёмонми! Буни тушунмайди. Нима буғдойга кўп меҳнат керакми, бир кун экиб, бир кун озиқлантириб, сувига, қараб турсанг бўлди — нон тайёр».

Саъдулло бува ун, нон сураб хўжалик идорасига сира бормаган, дўкон олдида сарғайиб турмаган. Чунки, у худо насиб қилса, мавсумда томорқасидан камида бир тонна буғдой олишга қатъий аҳд қилган!

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Навоий — Ўзбекистоннинг йирик саноат шаҳри.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Рўзимбойни билганимизга ўн йиллардан ошди. Кўпчилик унинг ўткир ва ҳаётий мақолаларини ўқиб дарров таниб оларди. Очиғи, ҳеч муболағасиз айтиш мумкин: «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») Рўзимбой Ҳасанни «кашф» этган. У ўша маҳаллари қуйи Амударё минтақасидан барча нашрларга мақола-хабарлар ёзарди. Сўнг Ўзбекистон миллий ахборот агентлигида хизмат қилди.

Яқинда эса у газетамизнинг Хоразм вилояти бўйича ўз мухбири сифатида иш бошлади. Бугун мухбиримизнинг биринчи мақоласини эълон қиляпмиз.

Иқтисодиёт олами

БИР ЙЎЛА — ҒАЛЛА, ГЎШТ, СУТ

Чортоқ туманидаги «Чортоқ-барака» деҳқон-фермер хўжалиги 1994 йил майида ташкил топган. Унга тадбиркор деҳқон Нўъмонжон Темиров раҳбар бўлди-ю, улар боқимидаги 45 бош зотли қорамол ҳозирги кунда 140 бошга етди. Шундан 22 таси соғин сигир. «Чортоқ-барака» номига муносиб: йилдан-йилга ишга барака киряпти. Негаки жамоа ҳамжиҳат, омилкор. Ўтган йили режадаги 60 тонна ўрнига 71 тонна сут етиштирилиб, унинг 55 тоннаси давлатга сотилди. 13 тонна ўрнига 15 тонна гўшт тайёрланиб, 6 тоннаси эл дастурхонига етказиб берилди.

Жамоада жами 12 киши ишлайди, «Оқ чашма» соҳибаси Жамилахон Ҳошимова, молбоқарлардан Зокиржон ва Баҳодиржон Бойхоновлар, Улуғбек ҳамда Умиджон Жўраевлар сигирларни тўйимли озуқа билан боқишяпти. Шу туфайли ҳар бир соғин сигирдан йилига 3500 литрдан сут соғиб олишга эришмоқдалар.

Қишловга етарлича озуқа жамғарилганди. Ҳозирги кунда улардан расамади билан фойдаланишяпти. Муддао битта — четдан озуқа олмасдан қишловни яхши якунлаш. Шунда ортиқча чиқимга йўл қўйилмайди.

Эндиликда деҳқон-фермер хўжалиги жамоаси уч йўналишда фаолият юритмоқда. Улар сут ва гўшт етиштириш билан бирга ғаллачиликка ҳам қўл уришди. Ўтган йили 37 тонна дон йиғиштириб олиниб, ҳосилдорлик 62 центнерни ташкил этди. Бундан руҳланиб кузда 16 гектар майдонга ғалла экишди. Бехато униб чиққан майсалар озиқлантирилди. Ҳозир авжи ёмонмас. Бу йилги мўлжал — ғалла ҳосилдорлигини 65 центнерга етказиш!

— Ҳозир деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериляпти. Тадбиркор жамоа аъзолари дуруст натижаларга эришмоқдалар, — дейди биз билан суҳбатда ишбилармон раҳбар Нўъмонжон Темиров. — Ҳар бир фермер сўзида устувор бўлиб, ишда фаоллик кўрсатса, эл орасида ҳурмат топаверади.

Тадбиркор ҳақ. Қаерда ҳамжиҳатлик, омилкорлик билан, бир ёқадан бош чиқариб иш юритилса, натижа қувонарли бўлаверади!

Юнус ЗИЁДОВ,
Эркин ТЎЛАГАНОВ.

СОВҒАГА МАШИНА ВА ЯНГИ УЙ

СИРДАРЁ. *Вилоятдаги таниқли спортчиларни вилоят ҳокими Уктам Исмоилов қабул қилди. Ўтган йили Ватанимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилган йигит-қизлар ҳақида илиқ гаплар айтилди. Янги йил режалари хусусида фикрлар билдирилди. Учрашув сўнггида вилоят ҳокими энг яхши кўрсаткичга эришган спорт федерациялардан учтасига «Дамас» микроавтобуси, «Янгиер» футбол жамоасига эса «Нексия» автомашинасининг калитларини топширди. Сузувчилар устози, малакали мураббий Ирина Панаринага янги уй калити тақдим этилди.*

Абдужалил УМАРОВ.

«ЧЎЛПОН» ЖАМҒАРМАСИ

АНДИЖОН. *Оташнафас шоир Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги олдидан вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Чўлпон» жамғармаси ташкил этилди. Таниқли шоир, Чўлпон номидаги мукофот соҳиби Тўлан Низом жамғарма раиси бўлди. Ушбу жамғармадан Чўлпоннинг 100 йиллиги муносабати билан амалга ошириладиган хайрли ишларга тасарруф этиш кўзда тутилган.*

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

«АНДИЖОН УСЛУБИ»ДАН ФОЙДАЛАНИНГ!



Ушбу қўлланмада Андижон услуби — чигитни плёнка остига экиш технологияси ҳақида фикр юритилади. Хўш, «Андижон услуби» қай йўсинда юзага келди, деган савол туғилиши табиий. Вилоят заршунослари, бу соҳага дахлдор селекционерлар ва мутахассислар узоқ йиллардан буён пахтанинг пишиб етилиш даврини имкон қадар қисқартиришни, ҳосил ёғин-сочинли кунлар бошлангунга қадар саранжомлаб олинишини орзу қилишарди. Бунга эришилди ҳам. Вилоятда 1995 йил тажриба тариқасида экилган майдонларнинг ҳосилдорлигиг гектарига ўртача 42,6 центнерни ташкил этган эди. Одатдаги усулда парвариш қилинган пайкалларда эса бу кўрсаткич 29,2 центнерни ташкил этди. Янгиликнинг шарофати ана шу қиёслашда яққол намоён бўлиб турибди. Андижон вилоятида 1996 йили 9409 гектар ерга чигит плёнка остига экилиб, янгиликнинг ҳар жиҳатдан афзаллиги яна бир карра намойиш этилди. Янги технология асосида етиштирилган майдонларда ҳосилнинг асосий қисми 25 сентябргача саранжомлаб олинди.

Қ. Обидов ва М. Султонов раҳбарлигида тайёрланган ушбу қўлланма пахтакорларга катта ёрдам бериши табиий.

Хатларда ҳаёт акси

Гап эгасини топади

УЙИМГА КИРОЛМАЙ, ДОҒМАН

Ўз уйингга киролмасанг, жуда ўтиб кетар экан. Ҳамма нарсани қонунлаштириб, хотиржам яшаш учун озмунча ҳаркат қилдимми? Идорама-идора, ташкилотма-ташкилот юраверib, тоза сарсон бўлдим. Судга зарур ҳужжатларни тўғриладим. Шаҳар нотариусидан ПЖИга, ундан судгача ораликда ҳужжатлар тўплаш осон бўлмади. Қаерга бормай лоқайдлик билан муомалада бўлишди. Ҳатто ҳужжатларимни «йўқолибди» деб қутулишга уриндилар. Ахир мен бировнинг уйига даъвогарлик қилаётганим йўқ. Бувим мерос қилиб қолдирган уйга эгалик қилмоқчиман. Қўлимда квартиранинг хусусийлаштирилгани ҳақидаги квитанция бўлишига қарамай, судда менга ҳали «приватизация» қилмаган экансиз, деб туриб олишди. Аризамни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман ҳокимлигига топширгандим.

Уйимиз икки хонали. Қизиғи шундаки, бувимнинг яна бир невараси — Комил Шарипов ҳам шу уйга даъвогар. Лекин бувим тириклигидаёқ жанжални бартараф этиш учун Комилни уйдан чиқариш ниятида судга берган. Суд уйнинг бир хонасини К. Шариповга расмийлаштирган. Бир хонани эса бувим Робия Бобожонова менга мерос қолдирди. Шу уйда 1991 йилдан бери турардим. Бувим эса 1995 йилда оламдан ўтдилар. У кишининг маросимларидан кейин уйни расмийлаштириб ола қолай десам, қаёқда дейсиз. Наҳотки хат-ҳужжатлар қўлимда бўлса-ю шу ишга дахлдор идораларнинг раҳбарлари ўзларини билмаганликка олиб, ишнинг осон кўчишига тўсқинлик қилаверсалар. Шу ҳам инсофданми?

Д. АКРАМОВА,
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Боғ кўча мавзеси, 3-уй.

Менинг таклифим

«ТЎЙГА ЎЙИНЧИ КЕРАКМИ?»

Шу сарлавҳа остида газетада эълон қилинган мақолани ўқиганимга анча бўлди. Кўнглимга тугиб қўйган фикрларни қоғозга туширишга фурсат тополмай юрардим. Ҳечдан кеч яхши деганларидек, бу ёғи баҳор, тўй-томоша бошланиб кетишини ҳисобга олиб ўз фикрларимни юборишга аҳд қилдим. Сирасини айтганда, тўй яхши нарса. Қолаверса, ҳаётда бир марта бўлади. Демак, тўйларимизни шундай ўтказишимиз керакки, кўнглимизда ҳеч бир гумонсиз ажиб хотиралар қолсин. Ҳозир нима бўляпти? Ким нимани хоҳласа, шундай тўй ўтказади. Баъзи тўйларни кўриб оммавий сайлми, деб ёқа ушлайсан киши. Бировнинг тўйига ҳаваскор қўшиқчи «нозланиб» келса, бошқасининг тўйига келган «санъаткор» ва хонандаларни қаерга ўтқазишни билолмай боши қотади.

Бундай пайтларда маҳаллалардаги тўйларни ташкил этиш комиссиялари ҳамда оқсоқоллар кенгашида айтилган гаплар бекор кетибди-да, деб ўйлайсан киши. Газетада ёзилганидек рақҳоса деб айтишга тилинг бормайдиган, ҳар мақомга йўрғалайдиган бачкана аёлнинг ҳаракатларидан қизариб-бўзариб ўтираверасан. Наҳотки, клублар ва маданият уйларида яхши ниятда қўлига соз олаётган ва хониш қилаётганлардан фойдаланишнинг иложи бўлмаса? Ҳар қалай уларнинг устозлари шогирдларини ножўя ҳаракат қилишларига йўл бермасалар керак.

Яна бир гап. Тўйга ҳар хил касб ва савиядаги одамлар тўпланади. Уларнинг орасида ёзувчи, ўқитувчи-ю, боғбон, пахтакорлар ҳам бор. Нега энди улар тўйга келиб, «санъаткор»нинг хизмати-ю, ҳеч ким сайламаган ўртани олиб борувчи «тўйбоши» ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмайдилар. Кейин никоҳдан ўтиш маросимида 15-20 тага яқин машинани «чуввос» солиб кўчама-кўча изғишларига ҳам барҳам берилса, айни муддао бўларди.

Дилбар САИДОВА,
Жиззах тумани, Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

ЖАҲОНДА ЭНГ ЯХШИ ҚОҒОЗЛАР

Марказий Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш узоқ тарихга эга. Шу ўринда Самарқанд қоғози хусусида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Мумтоз шоир Заҳириддин Бобур Самарқанд қоғозига юқори баҳо бериб, жаҳонда энг яхши қоғоз Самарқандда тайёрланган эди, деб ёзганди. Машҳур ҳаттот Султон Али Машҳадий Самарқанд қоғозининг юқори сифатлилиги, унда ёзувларнинг равон, чиройли чиқишини фахр билан тилга олган.

Чиндан ҳам Самарқанд қоғозидан қўлёзма китоблар тузишда кенг фойдаланилган. Тарихчи олим Нозим Ҳабибуллаевнинг ёзишича, Самарқанд қоғозига битилган XV-XVII асрларга доир кўпгина қўлёзмалар бизгача етиб келган.

1863 йили Марказий Осиёга келган венгер сайёҳи Вамбери Бухоро ва Самарқандда тайёрланган қоғоз бутун Туркистон ва унга қўшни мамлакатларда шуҳрат топганлигини қайд этган.

Атоқли археолог В. Вяткин: «Самарқанд, айниқса VII-VIII асрларда қоғоз ишлаб чиқариш бўйича машҳур бўлган, бу ердан турли мамлакатларга кўплаб миқдорда қоғоз олиб кетилган», — деб ёзган эди.

Аммо давр ўтиши билан, айниқса XVIII-XIX асрларда Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш анча камайди. Ўша асрларда ишланган қоғоз сифат жиҳатидан илгариги қоғозларга мутлақо тенглаша олмасди. Шарқшунос А. Семёнов таъбири билан айтганда, бу қоғоз илгариги нафислик, қадимий қоғозларга хос силлиқликдан маҳрум эди.

Ўз даврида қоғоз ишловчи усталар Қўқонда ҳам фаолият кўрсатишган. Улар қўлидан чиққан қоғозлар ҳам довруг таратган эди.

Акбар АЛИЕВ.

Ёмон бошини ейди

ҚАЛБДАГИ ОҒРИҚЛАР

Абдураҳмон Қаҳҳоров қирқ ёшга киряпти. Наманган шаҳрида яшайди, уч фарзандга ота. Лекин ҳанузгача бирор тайинли ишнинг бошидан тутмаган. Икки йил қамалиб ҳам чиқди. Қарангки, унга қамоқ ҳам мактаб бўлолмади. Турмадан қайтиб ҳам ўзини ўнгламади. Билъакс енгил-елпи пул топиш унинг касб-корига айланди.

Кейинги пайтда бундоқ бош қотирса, бизнеснинг зўри оғуфурушликда экан. Шундай қилиб, бошқа режаларга тупурди. Эҳтиёт бўлиб чаққон-чаққон иш битирса ит туяга айланиши аниқ. Ишончли шерик топса бўлгани. Шерик ҳам анқонинг уруғимиди топилмаса? Шаҳарлик Лутфуддин Пўлатов айни Абдураҳмоннинг кўнглидаги йигит бўлиб чиқди. Улар гапни бир жойга қўйиб ўтган йилнинг 2 апрель куни Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳрилик ҳамтовоқларидан 2 кг. 512 г. қора дорини Андижон вилояти Хўжаобод тумани — Янги Фарғона қишлоғининг чойхонасида 30 минг ўзбек сўми, 400 АҚШ доллари ва 10 миллион Россия рубли эвазига сотиб оладилар. Афсуски, сичқоннинг югургани сомонхонагача бўлиб чиқди. Юртдошларини оғу билан заҳарлаш орқали бойиб кетиш орзусига етолмадилар. Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари Л. Пўлатовни ва унга кўмак берганларни далилий ашё билан қўлга туширишди.

Абдураҳмоннинг «бахти»ни қарангки, у шу вақтда Пўлатов ёнида бўлмаган. Тергов идоралари унга нисбатан қидирув эълон қилганини билиб, қочиб юрган. Пўлатов ҳамда унга топиб қўйган Мовлуда Абдураҳмон келтирган оғуни зудлик билан пуллагани йўл олади. Лекин...

Омад чопмаса қийин экан. Бечора бизнесменлар бу сафар ҳам «даромад»дан кўмак берганлар «хизматлари»га яраша жазоларини олишди.

Қаҳҳоровнинг эси бўлса шу билан кир фаолиятини тўхтатса бўларди. Қайда, зўрга ярим йил чидади холос. Лапашанг, ўзини бир сафардаёқ орган қўлига тутқазадиган эркаклардан оғзи куйган А. Қаҳҳоров энди хотинлардан шерик ахтаради. Наманган шаҳар, Андижон кўчаси, 30-уй, 11-хонадон соҳибаси, ҳеч қаерда ишламайдиган Мовлуда Усмонхўжаевани топди. Аёл билан обдон келишгач, ғир этиб Ўш шаҳрига боради ва у ердан 885,7 грамм қора дорини етказиб келади. «Клиент»ни қуруқ қолишди. Мовлуданинг оёқ олишидан шубҳаланган Наманган шаҳар Давлатобод тумани ички ишлар бўлими ходимлари аёлни жиноят устида қўлга олдилар. Усмонхўжаеванинг уйида жарақ-жарақ пул санаш орзусида ўтирган Абдураҳмон эса тинтувга келган милиционерлар қўлига тушди. Унинг ўз уйидан эса 17,4 грамм марихуана чиқди.

Мазкур жиноий ишни кўриб чиққан вилоят суди А. Қаҳҳоровни 19 йил, М. Усмонхўжаевани эса 7 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Аслида бор гап шу. Лекин мақолага нуқта қўйгимиз йўқ. Нега дейсизми? Энди эътибор қилинг.

Биз бундай жиноятлар ҳақида кўп ёзяпмиз. Очиғи, аксарият ҳолларда оғуфурушлар танқид объекти бўлиб қолмоқда. Бу тўғри ва адолатли. Лекин дўппини олиб бир ўйлаб кўрайлик-чи, оғуфурушлар урчиб бораётган экан, демак бунга эҳтиёж бор, харидор ҳам каммас шекилли. Сизу бизнинг ёнимизда, атрофимизда, нашавандлик, наркотик моддалар қабул қилиш учраётганидан ҳам тонмайлик. Буларни кўрмаслигимиз, эшитмаслигимиз мумкин эмас. Кўриб-кўрмаганга, билиб-билмаганга, эшитиб-эшитмаганга солиб юрганимиз — бу миллат таназзулига, онг равнақига путур, келажак авлодимиз иқтидори ва салоҳиятига урилаётган болта-ку. Боз устига гиёҳвандлик орқасида содир этилаётган жиноятларчи?

— Наркотик моддалар таъсирида ўта оғир жиноятлар содир этиш, афсуски, учрамоқда, — дейди ташвишларимизга шерик бўлиб вилоят судининг раиси, биринчи даражали судья Р. Ш. Файзуллин. — Уйчи тумани Умумҳаёт қишлоғилик Умар Сиддиқов гиёҳванд модда таъсирида Одилжон Пошшахўжаев деган фуқаронинг машинасини босқинчилик билан эгаллаш учун панага олиб бориб ўлдирган. Мингбулоқлик Р. Мустафин эса онасининг дугонаси Л. Валентина деган кимсани ваҳшийларча сўйиб ташлаган. Ёки мана бу ҳолатни қаранг: зиёли оилада туғилиб ўсган балиқчилик Аъзам Мамаджонов топиб олган нашасини косонсойлик З. Оловуддиновга сотган. У эса ўз навбатида нашани қўл учида зўрга тирикчилик қилаётган, 4 нафар фарзандининг ризқини қийиб бўлса-да, наша чекишга тайёр Усмонжон Тоштемировга пуллаган. Албатта, юқорида номлари келтирилганлар тегишли жазоларини олдилар.

Хўш, булар қалбларимизни оғритмайдими, даҳшатга солмайдими?! Назаримда, булар барчамизни, ҳар бир онгли юртдошимизни мулоҳаза юритишга мажбур этмоғи зарур.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ТОМОШАБИНМИСИЗ?»

(«Ўзбекистон овози» 28 декабрь 1996 йил)

Шу сарлавҳа остида босилган танқидий мақолага Сирдарё вилоят ҳокимлигидан жавоб мактуби келди. Унда таъкидланишича, мақолада қайд этилган фикр-мулоҳазалар асосан тасдиқланган:

Гулистон шаҳар санитария-эпидемиология станцияси фаолиятида ҳақиқатдан ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган. Ободончлик ишлари сусайтириб юборилганлиги сабабли шаҳар санитария-эпидемиология станцияси фаолияти муҳокама қилиниб, бош шифокор А. Йўлдошев вазифасидан озод қилинди.

Вилоят санитария-эпидемиология станцияси ходимлари маҳаллаларга бириктирилиб, фаоллар билан ҳамкорликда тозалик ва ободонлаштириш ишларига эътиборни қаратмоқдалар. Шунингдек, ободончилик ишларига эътиборсизлик билан қарагани ва атроф-муҳитни ифлосланишига йўл қўйгани учун Гулистон шаҳар уй-жой қурилиш комбинати бошлиғи В. Хоменконинг иши тергов органларига топширилди. 26 нафар масъул шахсга жарима солинди.

Вилоят ҳокими
ўринбосари И. ҚУРБОНОВ.

ЮРТ МАДҲИНИ КУЙЛАЙМИЗ

«Ўзбекистон — Ватаним маним»

Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови ўтказилган ва халқимиз томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинган эди. Шуни ҳисобга олиб, республикамиз Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами ҳақида Фармон қабул қилганди. Ушбу ҳужжатга кўра, ҳар йили август ойининг учинчи якшанбасида мамлакатимизда улкан қўшиқ байрами ўтказиладиган бўлди. Ҳозирданоқ мазкур қўшиқ байрамига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги мусиқий асарлар танлови ҳам шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси бастакорлар уюшмаси раиси Рустам АБДУЛЛАЕВ билан бўлган суҳбатимиз айни шу танлов хусусида борди.

— Рустам ака, кўрик-танловни ўтказишдан олдинга қўйилган мақсадлар ҳақида нима дея оласиз?

— Бундан асосий мақсад—муқаддас Ватан тупроғини, мустқилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, она-Ватанга бўлган муҳаббатни янада ошириш ва айни чоғда халқимизга маънавий озуқа беришдан иборатдир. Танловда аскарлар сафда туриб айтадиган қўшиқлар ҳамда аскарликка кузатиш ва кутиб олиш қўшиқлари ижро этилади.

— Ҳар нарса маълум бир қонун-қоидага асосланган бўлади. Шу ўринда танлов учун қўйилган шартларни иштиёқмандларга айтиб ўтсангиз?

— Биласизми, биз бу гал танлов иштирокчиларининг ёшларини чегаралаб қўймадик. Бундан ташқари энг асосий шартлардан бири мазкур танловда куй ҳам, шеър ҳам янги бўлиши керак. Бизнинг вазифамиз юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларни яратиш жараёнида яшириниб ётган истеъдодларни юзага чиқаришдир. Шу нарсани ўрни келганда таъкидлаб ўтишим керак: танловда сараланган энг яхши 15 та мусиқий асарни китоб ҳолида чоп этамиз. Шундан кейин уни миллий армиямизда татбиқ этиш имкони туғилади. Бу хайрли иш телевидение ва радио ҳамда республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳомийлигида амалга оширилади.

— Рустам ака, мамлакат миқёсида бундай катта танловни ўтказишнинг ўзи бўлмаса керак, албатта. Айтинг-чи қайси ташкилотлар сизларга бу ишда кўмак бермоқда?

— Дарҳақиқат, кўрик-танлов республика миқёсида бўлиб ўтади. Бизлар ҳар бир вилоятдан учта энг яхши ўрин соҳибларини пойтахтга йиғишимиз керак бўлади. Бунинг учун таниқли бастакорларимиз турли вилоятларга туманлараро танлов ўтказиш учун олдиндан жўнаб кетишган. Юқорида таъкидлаганимдек, биринчи, иккинчи, учинчи ўринни эгаллаган истеъдодлар 4, 5, 7 февраль кунлари Тошкентда ўтказиладиган танловга етиб келишлари керак. Дарвоқе, мазкур танловни бастакорлар уюшмаси билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорликда ташкил этяпмиз.

— Табиийки, мухлислар ва танловда иштирок этишни истовчи истеъдодлар биринчи ўрин соҳиби учун ажратилган соврин билан қизиқишлари турган гап...

— Биз тегишли ташкилотлар билан келишган ҳолда биринчи ўрин соҳиби учун ўртача иш ҳақининг 110 фоизи миқдорида мукофот пули белгилаганмиз. Бундан ташқари истеъдодли иштирокчиларни бастакорлар уюшмаси томонидан махсус совринлар ҳам кутмоқда. Хуллас, август ойида ўтказиладиган улкан қўшиқ байрамига ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўряпмиз.

Суҳбатдош: Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА.



«Оққуш кўли». ЎзА олган сурат.

ИБРОҲИМ МЎМИН

Армон

Пойтахтимиздаги Академиклар шаҳарчасида Иброҳим Мўминов номли кўча бор. Шу кўчанинг биринчи уйида домла яшаб ўтган. Уйнинг атрофида академикнинг шаҳсан ўзи эккан дарахтлар йилнинг тўрт фаслида ҳам киши кўзига ажиб сирли кўринади. Қишда сокин, баҳорда беҳишти, ёзда сўлим, тароватли, кузда ўйчан.

Ҳа, ҳар одамнинг тавофга борадиган жойлари бор. Мен учун шундай табаррук масканлардан бири — шу хонадон. Огоҳлантиришсиз, қўнғироқсиз кириб боришимга домланинг умр йўлдоши Талъат ая ҳам кўникиб кетганлар. Биз у киши билан соатлаб гаплашамиз. Амир Темур, Иброҳим Мўминов, Мирзо Бедил, Беруний, ниҳоят, домланинг дўстлари, шогирдлари, фарзандлари ва албатта мусатқиллик ҳақида.

Бу кунларни кўрганда домла ўлмас эди, юздан ортиқ умр кўрарди — дейди онахон.

* * *

Иброҳим Мўминовнинг онасини Махпират ая дейишарди. Фузулийдан, Машрабдан бисёр ғазаллар билувчи бу фозила аёл Тезгузор қишлоғидагиларнинг жони-дили эди. Домланинг қалбига илм-маърифат уруғини биринчи бўлиб шу муҳтарама зот эккан. Махпират ая дунёга беш фарзандни тортиқ этди. Тўнғичи Абдумалик — савдо ходими, Араббой — ўқитувчи, Муҳаммадмуса — профессор, Иброҳим — академик, Қамбара — ўқитувчи бўлиб етишди. Ташқи кўринишидан барча ўзбек оилаларига ўхшаш бу оилада философиямиз мактабини яратган олим камол топди.

Домланинг асарларини такрор-такрор ўқир эканмиз асарларда олимона сезгирлик, шоирона нозиклик уйғунлашиб кетганини кўрамиз. Унинг «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари» асарини ўқиб бунга яна бир бор имон келтирамиз.

Навиштам анна дил фарнунду.

Хондай харчи неш омад.

Маъноси: юрак буюрганини ёздим, қўлга тушган асарни ўқидим.

Ҳа, домланинг ўзлари ҳам юрак буюрганини ёзди. «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асари устида ишлар экан, у фақат юрагига ишонди. Ниҳоят, 1968 йили бу асарни Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумига ҳавола этиш керак, деган хулосага

КЎЧАСИГА

келди. Муҳокамадан сўнг уйга келиб биринчи айтган гапи шу бўлди: «Буларнинг гапи мени ейди».

Ахир Темур ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш орзуси қалбида пайдо бўлган кундан у ўзини руҳан тетик сезган эдику. У кучли эди. Бу фикрлар жангига кирган биринчи лашкар ўзи эканини, бу ғоят хатарли, ғоят қақшатқич жанг бўлишини олдиндан билар эди-ку. Ҳа, аммо қўллаб-қувватловчилар бунчалик кам бўлади, деб ўйламаганди.

ОҚҚУШЛАР ҚАЙТДИ

Айниқса, муҳокамадан сўнгги Марказий нашрларда, бутуниттифоқ миқёсидаги кетма-кет танқидий чиқишлар файласуфни йиқитди.

Ер остига қочиб кирдим нодонлардин,
Илким очиб дуо тилаб мардонлардин,
Ғариб жоним юз тасаддуқ донолардин,
Доно топмай ер остига кирдим мано.
Дейди Аҳмад Яссавий.

«Отамнинг яқин дўстлари, оддий одамлар ичида кўплиги у вафот этганда янада билинди. Масалан: бир чўпон дўсти бор. Қишлоққа борсалар албатта ўшаникига меҳмонга борар, узоқ кўрмай соғинса, машина юбориб чақиртириб келарди. Отам оламдан ўтгач, чўпон амаки бир неча ой бетоб бўлиб қолди. Биласиз қайғунинг ясамаси бўлмайди.

Азадор уйимиз дарвозаси ёнида отамнинг юзлаб шогирдлари биз қатори ўн кунча бел боғлаб туришди», дейди, Самарқанд тиббиёт институт ректори, профессор, фан доктори, фан арбоби Акром Мўминов.

Домланинг қолган фарзандлари: Мухтор Мўминов — фан доктори, Зулфия опа — тиббиёт фанлари номзоди, Актам ака — фан доктори, профессор.

«Иброҳим Мўминовнинг кўзлари ҳаётининг сўнгги йилларида ниҳоят ғамгин боқар, бу эса басавлат гавдали, фаришта юзли, сеҳрли овозли домламизга яраш-майроқ турар эди», деб эслашади шогирдлари.

Ниҳоят, қирқ минг уруғли баҳодирлар юрти — қадим Туроннинг исёнкор шамоллари, истиқлол эшикларини очган кунлари «Амир Темур — улуғ Соҳибқирон эди», — деб биринчи бўлиб айтган нодири замон — Иброҳим Мўминов кўчасига оққушлар қайтди. У енгди, ғалаба қилди.

Ҳақиқатни дарёсидан кечган киши,
Ўзи мунглиг, кўнгли синиқ, кўзда ёш.
Хорлик зорлик, машаққатдир доим иши,
Дийдорини талаб қилиб топар, дўстлар.

Аё, сен ҳақиқат дарёси, сен томон юргувчиларку кам бўлғай, нучун кўзлари нам бўлғай, қирғоқларингда тиканзорлар, оёққа санчулгич тиғлар яратдинг.

Шунинг учунда сен томон юриш фақат поклар, мардларга насиб этмиш тиканларинг, тиғларинг ила Иброҳим Мўминовдек зоти шариф дўст тутиндими сен бизникисан, ўзимизникисан!

Зулфия МЎМИНОВА.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯГА САЙЛОВЛАР

Кеча 131 миллион аҳолига эга бўлган Покистонда ўта қаттиқ хавфсизлик чоралари кўрилган ҳолда мамлакат парламентининг қуйи палатаси — Миллий ассамблеяга сайловлар бўлиб ўтди. Ҳарбий бўлинмалар ва полиция мамлакатдаги барча сайлов участкаларини кучайтирилган тартибда қўриқладилар. Маҳаллий ҳокимият хавфсизлик мақсадида сайлов участкаларига сумка ва халталар олиб ўтишни тақиқлаб қўйди. Покистон армиясининг 250 минг нафардан зиёд ҳарбий хизматчилари бу тадбирга жалб этилди.

Миллий ассамблеядаги 217 ўринга турли партия ва диний ташкилотлар вакиллари бўлган 1758 номзод даъвогарлик қилишмоқда. Сайловолди курашида ҳаммаси бўлиб 54 партия қатнашди. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, Навоз Шариф бошлиқ Покистон мусулмонлар уюшмаси ва мамлакат собиқ Бош вазири Беназир Бхутто хоним етакчилигидаги Покистон Халқ партияси номзодлари депутатлик мандатига асосий даъвогарлар ҳисобланади.

Дарвоқе, мамлакатда сайлов ҳуқуқига эга бўлган 56,6 миллион сайловчи рўйхатга олинган. Сайлов натижалари Покистон ижтимоий-сиёсий ҳаётига бевосита таъсир этиб, бундан буён мамлакатнинг қайси йўлдан боришини аниқ кўрсатиб бериши шубҳасиздир.

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУННИ ЎЗГАРТИРИШМОҚЧИ...

Россия Давлат думасининг айрим депутатлари мамлакатнинг асосий Қонуни — Конституцияга тегишли ўзгартиришлар киритиш лозимлиги ҳақида сўз юритмоқдалар. Бундай гап-сўзлар Президент Борис Ельциннинг шамоллаш туфайли бир оз муддат ишга чиқолмаган пайтида юзага келганди. Ҳатто депутат В. Илюхин давлат раҳбари ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги таклиф лойиҳаси билан ҳам чиқди. Бироқ депутатларнинг аксарият қисми бу саволни бугунги кунда шу тарзда қўйилишини маъқулламадилар.

Айни чоғда бир гуруҳ депутатлар амалдаги Конституцияда давлат бошлиғига бениҳоя кенг ваколатлар берилган, унинг бир қисмини эндиликда парламент ихтиёрига ўтказиш керак, деган таклиф билан чиқяптилар. Яна бирлари эса Президент соғлиғи туфайли ўзига тегишли давлат ишларини бажара олмаган шароитда вице-президент лавозимини жорий этиш ўринли эмасмикин, деган ғояни ўртага ташлашяпти. Хуллас, асосий Қонун — Конституцияга айрим ўзгартиришлар киритиш юзасидан Дума депутатлари тегишли гуруҳи «қизғин» иш бошлаб юбормоқчи. Лекин бундай лойиҳалар қачон тайёр бўлади-ю, уни депутатлар қачон муҳокама қилишга киришишади, бу ҳали аён эмас.

... ТАБИБ АЁЛ ЭСА ЕЛЬЦИННИ ДАВОЛАМОҚЧИ

«Таймс» газетасининг ёзишича, машҳур табиб аёл Жуна Борис Ельциннинг батамом соғайиб кетишига сўнгги умид мендан, деб айтмоқда. Маълумки, у бир қатор сиёсатчиларни турли хасталиклардан даволаган ва ҳатто Леонид Брежневнинг «шахсий шифокори» ҳам бўлган. Бироқ, мақола муаллифининг фикрича, афтидан Россия Президенти ўзини Жунанинг табиблик «санъати» мухлисларидан деб ҳисобламайди. Гап шундаки, Жуна шу пайттача Борис Ельцин билан шахсий учрашувга мушарраф бўлолган эмас. Бунга, табиб аёлнинг гапига қараганда, Президентнинг атрофидагилар айбдор, улар Ельциннинг тезроқ соғайишини истамаяптилар. Лекин шунга қарамасдан машҳур табиб аёл ҳали бўлажак учрашувдан умидини узгани йўқ. Газетанинг ёзишича, Россия келажагини Ельцин билан боғлиқлигига ишончи комил бўлган Жуна Президент ва унинг оиласининг илтифот билан қарашига умид боғламоқда.

ҚАРЗНИ ТЎЛАШДА КЕЛИШИБ ОЛИШ ТАРАФДОРИ

АҚШ сенатининг халқаро муносабатлар бўйича қўмитаси раиси Жесси Хелмс Клинтон маъмуриятини Қўшма Штатларнинг БМТга қарийб 1 миллиард доллар миқдорида қарзини тўлаш масаласида унинг қўмитаси билан ўзаро келишиб олиши зарурлигини қаттиқ огоҳлантирди. У бу масалани қўмитада вакиллар палатаси аъзолигига Билл Ричардсон номзодини тасдиқлашга бағишланган йиғилишда кўтариб чиқди. Маълумки, АҚШ Президенти БМТдаги доимий вакил қилиб Билл Ричардсонни тайинлаган эди.

Хелмс агар БМТ ўз ишида ислоҳотларни бошламас ва штатларни қисқартирмас экан, қарзларни тўлашни тўхтатиб туриш лозим, деб ҳисобламоқда. Бунга жавобан Ричардсон «биз сизнинг қўмитангиз билан барча рақамларни ва ушбу масала ҳамда ислоҳотларни келишиб оламиз», деди.

ГИТЛЕРНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИГА БАҒИШЛАНГАН ФИЛЬМ

«Санди-Таймс» газетасининг ёзишича, киночилар макони Голливуд яна бир шов-шувни бошдан кечирмоқда. Гап шундаки, кинорежиссер Пол Верховен Гитлернинг ҳаёт йўлига бағишланган тўлиқ метражли фильмни суратга олишни бошламоқчи. Ушбу фильмга «Фашистлар диктатори» биографияси асос қилиб олинган. Мақола муаллифининг таъкидлашича, инсоният бугунга келиб фақат «ваҳший ва ашаддий антисемит»ни эмас, балки оддий инсоннинг ҳаёти билан танишадиган бўлади. Ушбу фильмнинг асосий мақсади Гитлерни жамият олдида қандайдир жиҳатларини оқлаш ва айни чоғда унинг тақдирини нақадар фожиали эканлигини кўрсатишдан иборатдир. Верховен ўта қалтис йўл тутганлигини (антифашистлар бу фильм учун уни ҳеч қачон кечирмайдилар) тушуниб турибди. Бироқ, унинг фикрича, Гитлерга нисбатан Германия, Дания, Франция ва Бельгияда ҳамма вақт «ўз йигити» деб қараб келганлар. Шу билан бирга, ҳақиқат ҳамма нарсадан устундир деган ғоя кинорежиссерга илҳом бераётган бўлса ажаб эмас.

Аслиддин БОЛИЕВ.

ҚИРОЛЛИКНИНГ СИРЛИ БОШЛАРИ

Шимолий Қироллик. Хендерсонвиллдаги археологик топилма катта шов-шувларга сабаб бўляпти. Исландиянинг шимолий қироллигида ажойиб тош ҳайкаллар топилди.

Қизиғи шундаки 26 та ҳайкалнинг ҳаммаси бир-бирига жуда ўхшаш. Улар вулқон отилишидан ҳосил бўлган тош-лавалардан ясалган. Олимларнинг таъкидлашича, бу тош ҳайкаллар XIV асрда яшаган исландияликлар тимсоли экан. Шу пайтгача Америка Қўшма Штатларида бундай ҳайкаллар учратилмаган. Ушбу топилмалар бўйича археологлар гуруҳи бошлиғи, олим Ричард Клаттнинг маълум қилишича:

— Бу археологик топилма ҳатто олимларниям ҳайратга солиб қўйган. Ҳозир «Қироллиknинг сирли бошлари» бўйича махсус гуруҳ тадқиқотлар олиб боряпти. Шимолий Қироллиқдан топилган ҳайкалларнинг ташқи кўриниши ўтмишда Шарқий Исландияда яшаган туб аҳолини эслатади. Айнан бир хиллигига қараганда тошдан ясалган ҳайкалларни битта ҳайкалтарош ясаган деган хулосага келиш мумкин. Ҳайкаллар Исландиянинг 600 йиллик ўтмишидир. Чунки номаълум ҳайкалтарош уларни Христофор Колумб 1492 йилда «янги дунё»ни кашф этишидан бир асрча илгари ясаган-да.

— Дастлабки фаразларга асосланиб бу «сирли тош-бошлар»ни Шарқий Исландиядан келтирилган деган хулосага келдик. Лекин баландлиги 3 метрдан 12 метргача, оғирлиги 50 тоннагача келадиган улкан тош одамларни қандай олиб келишган? Бу ҳозирча фанга ҳам жумбоқ, — докторнинг шундай хулосасига қарамай баъзи баҳсли, мунозаралар давом этяпти.

Ҳайкаллар сирли. Қироллик ҳудудидаги 23 та ҳайкал ярим айлана шаклида (яъни қуршаб олиш шаклида) «териб» чиқилгандир. Дастлабки иккита «тош одам»ни қадимги индеецлар яшаган жойдан, тоғли водийдаги катта йўл ёқасидан 30 километр ичкарида топилганди. Тош одамларнинг ҳаммаси шимолга қаратиб қўйилганди.

Қироллиknинг «сирли бошлари» ҳозирча тадқиқотчилар томонидан ўрганиляпти. Вақти келиб сири очилар, «Тош одам»лар нима мақсадда Қиролликкa келиб қолгани ҳам ошкор бўлар.

Муҳими, ҳайкаллар ўтмиш садоси, Исландия тарихига дахлдорлигидадир.

Ўтмишдан садо

ЎЛИБ «ТИРИЛГАН» ҚАРИЯ

Мичиган штати. Мускегон шаҳрида яшовчи қария Пауль Гунстнинг 1986 йилда олти марта юрак хуружи тутди. Хуружлардан бирида унинг юраги уришдан тўхтади...

— Бу дунёдан кўз юмганим аниқ эди, — дейди 61 яшарлик собиқ ҳисобчи Гунст, лекин шундан сўнг «кўрганларим»ни ҳеч нарсага таққослаб бўлмайди. Бунақасини на кўргансиз, на эшитгансиз. Аввалига узун, ёп-ёруғ ер ости йўлига ўхшаш жойдан кетавердим... Қачондир яна орақамга қайта олармиканман деб хавотирланиб борардим. Сўнг шундай тиниқ, мунаввар жойга чиқиб қолдимки... Ёруғлик қуёшникидек равшан, аммо сал ноаниқроқ, қандайдир ғиширароқ кўринарди теварак-атроф... Қуёш оламига бориб қолганимни билдим. Шунда аллақандай овоз эшитилди: «Паули, сен бундай қаттиқ оғриқ билан фалакда қололмайсан» деди. Бу онамнинг овози эди! Ахир онам мени «Паули» деб чақирарди-да. Онам олти яшарлигимда оламдан ўтган. Овозини ҳечам унутмаганман. Овоздан сўнг бутун борлиқ жим-жит бўлиб қолди. Ўзимни ҳам шундай хотиржамлик ҳисси қоплаб олдики, кўнглим тинч хотиржам бўлиб қолди. Ҳеч нарсани кўрмадим бошқа. Фақат онамнинг саси, холос. Сўнг бирдан шундай қаттиқ оғриқни ҳис қилдимки, врачлар юрагимга жуда узун игнани санчиб укол қилишётганди-да... Ўзимга келгунча яна ўша манзара «йўл»дан қайтдим. Оғриқ эса тобора зўрайиб боравердики... Минг бир азобни ҳис қилиб ўзимга келсам кароватда ётибман.

Соғайиб оёққа турган қария у дунёдаги бошқа «кўрган-эшитган»ларини аниқ хотирлай бошлади.

— Назаримда оламдан ўтган одамларнинг овозини эшитдим, ҳозир эса ҳеч эсламаган марҳумларни тез-тез хотиралайвераман. Худди ҳозиргина улар билан суҳбатлашгандек сезаман ўзимни.

Гунстнинг айтишига қарганда, қария ўзини энди бардам, соғлом сезяпти. Ўзини негадир энди бахтли ҳис қилаётганмиш. Бу ўлим унга ҳаётда олдин ҳис этолмаган, қандайдир «ширин ҳаёт»ни эслатганмиш.

— Яқинларимга; «Бир-биримизга меҳр-муҳаббатингизни ҳозир билдиринг, кейин эмас... Моддий рағбат энди қизиқтирмайди. Ҳаётим ўзгарди, бахт, қувончни сезаман. Худонинг шафқатига, фалакнинг илоҳийлигига ишонаман! Кўнглим шундай хотиржам. Мен у дунёда бўлдим... Бу оламни тарк этганлар арши-аълода «яшайди». Онам... Марҳумларни ёд этинг. Улар бизни унутмас экан... Одамлар раҳмдил бўлиши керак, ахир у дунёдаям «бирга» бўламиз-ку? Ҳаёт менга олдингидан ҳам қимматли...

Рўёми — риёми?

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

• **ОТТАВА**. *Канадалик спортчи Атлантада бўлиб ўтган Олимпия ўйинлари қатнашчиси Эйнисли Робинсон наркобизнес билан шуғулланганликда айбланмоқда. 25 ёшли курашчи мамлакатга катта миқдорда наркотик модда олиб киришга уринган.*

* * *

• **ДУБЛИН.** *Европа иттифоқи Ирландияга чорва ҳайвонлари касаллигини ўрганувчи махсус тиббий гуруҳ юборишга қарор қилди. Мазкур гуруҳ мамлакатдаги қорамоллар орасида тарқалган энцефалит касаллигининг келиб чиқиш сабабларини аниқлайди ва унинг олдини олиш чораларини кўради.*

* * *

• **ДЕҲЛИ.** *Мамлакатнинг Химачал-Прадеш штатида Ҳиндистон қуролли кучларига қарашли МИГ-21 русумидаги самолёт жанговар машқларини бажараётган чоғида қулаб тушди.*

КУРСИДА УЗОҚ ЎТИРМАНГ

Мисрда умуртқа поғонаси тоғайи билан боғлиқ оғриқни бир ҳафта давомида жарроҳлик амалиётисиз даволашга муваффақ бўлинди. Табиий даволаш факультети декани Имом Ан-Нажмий стулда кўп ўтириб ишлайдиган кишиларда учрайдиган ва умуртқа поғонаси тоғайи билан боғлиқ оғриқни операциясиз даволашга эришилганини маълум қилди. Бу янги даволаш йўлини Американинг Техас университети устоз-домласи, фан доктори Муҳаммад Ас-Сабоҳ кашф этди ва Қоҳирадаги энг йирик шифохоналардан бирида синаб кўрди. Тажриба ўтказилган 10 беморда ҳам ўта ижобий натижа кузатилди.

Шифокор бундай хасталикка учрамаслик учун стулда ярим соат ўтиргач, 2 дақиқа давомида туриб юриш, бирон ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидлайди. Чунки, киши ўтирганида унинг умуртқа поғонасига тушадиган куч 140 фоиз бўлса, олдинга энгашиб ўтирганда у 180 фоизни, тик турганда эса 100 фоизни ташкил этаркан.

АЖДАРҲО ОВИ

Гарбий Африка. Камерунда содир бўлаётган ғайритабиий воқеалар ҳақидаги шов-шувлар борган сари ваҳимали тус олиб боряпти. «Аждарҳо одамларни тириклайин «ютмоқда» «У сеҳрли ёвуз кучга эгамиш», «Ҳозирча фанга маълуммас, лекин борлиги ҳақиқат» ва яна турли хил миш-мишлар. Аслида-чи? Миш-мишларда жон борми?

Тафсилотларни бўрттириб миш-мишлар тарқатаётганлар ҳам бордир. Лекин Нгомада пайдо бўлган баҳайбат маҳлуқ маҳаллий аҳолининг жонига қасд қилаётгани бор гап. Аждар бошли ҳайвон уч ойдаёқ 27 нафар одамнинг ҳаётига зомин бўлди. Африканинг ғарбидаги Нъонг дарёси соҳиллари табиати ўзига хос. Сайёҳлар масканидир. Шундай сайёҳлик гўшаларидан бири Нъонгдан 30 километрча ичкарида жойлашган. Дам олувчиларнинг айтишича, баҳайбат, даҳшатли ҳайвон бемалол одамни тириклайин ютиб юборяпти.

Унинг танаси аждар игуанга ўхшайди.

— Нгомаликлар уни Мегадон — маҳлуқ деб атайди. Бу ном унга жуда мос тушади, ҳақиқий қўрқинчли маҳлуқ, — дейди зоолог олим Жулиус Кадхи. У маҳлуқни овлаётган махсус мерганлар сафида иш олиб боряпти. Бу ерлардаги энг катта тимсоҳларнинг буйи узунлиги 6—7 метр атрофидадир. Мегадонники эса тимсоҳларникидан ҳеч бўлмаганда уч баравар ҳайбатли.

— Ҳозирча аниқ бир нарса дейиш қийин, судралиб юрувчи сут эмизувчи калтакесаксимон ҳайвонлар оиласига мансуб. Мегадон аждарҳолар авлодидан, игуанлардан бўлса керак, — қўшимча қилади герпетолог олим Жером Золеко.

Камерун ички ишлар вазири бу икки олимга Нгомо, Чука, Рафаж қишлоқлари аҳолисига қирон келтираётган бу маҳлуқни ушлаш учун бор имкониятни яратиб берди. Полициячилар «аждарҳо овлаш» компаниясини гарчанд жадаллатмасин, Мегадон тутқич бермаяпти.

Вазирликка эса аждарҳонинг ҳужумлари борган сари даҳшатлироқ тус олаётгани ҳақидаги маълумотлар тез-тез келиб турибди. Олимлар унинг фото-суратини тасвирга туширишга ҳам улгурди. Унинг чангалидан тасодифан жон сақлаб қолган кимса суратни олишга эришган. Овчиларни қийнаётгани Мегадон қаердан, қачон ҳамла қилишини ҳеч ким билмайди. Пайтини пойлаб... Овчилар ҳам пайт пойлашяпти. Аждар-чи? Шу орада маҳлуқ эса одамларни «овлаш»да давом этяпти. Соҳилда чўмилаётган 4 яшарлик Кита исмли қизалоқ ва унинг онаси ҳам ғафлатда қолди. Она қизалоғининг фарёдини эшитишгаям улгурмади.

Африка ҳайвонот оламида ажойиботлар, ғалати шов-шувли воқеалар тез-тез рўй бериб туради. Табиати ўзгартирилмаган, табиий шароитда қадимги ҳайвонот олами қолдиқлари тез-тез учрайди. Табиатнинг бундай «ўзгаришсиз» туриши миллион йиллар илгариги яшаган ҳайвонларнинг яна пайдо бўлишига олиб келяптими? Дунё олимлари шу ҳақда турли фаразларни айтяпти. Нгомалик аждарҳо ҳақида ҳам шундай фикрдадирлар.

Мегадон — аждарҳо ови қачон тугайди? Миш-мишлар ҳақида баъзида «миш-миш-да» деб қўя қоламиз. Лекин Нгомада пайдо бўлган аждарҳо ҳақидаги бу миш-мишлар рўёми-риёми?

Санда ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997 yil 4 fevral, seshanba № 15 (22.100).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Муборак Рамазон мутолааси

ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДР НЕДУР?

Ислом оламида бу кунни интизорлик билан кутишади. Аслида кун ҳам эмас тун бўлиб, одамлар ўзларини бедорликка чорлайдилар. Зеро, эл орасида: «Лайлат ул-Қадр кечаси ухламаган бой бўлармиш"ёки Лайлат ул-Қадрни ўтказиб юбормадингми? Нимани ушласанг, олтинга айланиб қолармиш-а» каби сўзлар юради. Асли Лайлат ул-Қадрнинг маъноси нимада. Бу кеча хосиятини, унинг ҳақида Оллоҳ субҳонаҳу ватаоло Қуръони каримдаги Қадр сурраси орқали очиб берган: «Албатта Биз Қуръонни Қадр кечасида туширдик. (Қуръон оятлари мана шу кечадан бошлаб нозил этилган).

Қадрли кеча қандай фазилатга эга эканлигини сенга нима билдирди? (Албатта Қуръони карим).

Ушбу қадрли кеча фазилати минг ойдан яхшироқдир.

Ушбу кечада Оллоҳнинг малойикалари Жаброил алайҳиссалом бошчилигида, Роббиларининг рухсати билан, ул Зот тайин этган ишлар учун ер юзига тушадилар.

Бу кечада то тонг отгунича, Оллоҳга саловату саломлар айтилиб, солиҳ бандалари номига раҳматлар ёзилиб туради».

Пайғамбаримиз Расули акрам саллолоҳу алайҳи васаллам Қадр кечасини бедорликда ибодат билан ўтказар эдилар. Бундай фазилатга эга бўлган кеча қайси кунига тўғри келиши хусусида бир қанча ривоят бор. Улардан бири Ибн Умар розиаллоҳу анҳунинг ривоятларида шундай дейилади: «Набий саллолло алойҳи васалламнинг бир қанча саҳобалари Лайлат ул- Қадрни Рамазоннинг охирги ўн кунлигининг еттинчисида бўлишини туш кўрибдилар. Шунда Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи васаллам уларга юзланиб: «Сизларнинг тушларингиз Лайлат ул-Қадрни рўзанинг охирги ўн кунлигининг еттинчиси эканлигига мувофиқ келяпти. Кимки Лайлат ул- Қадрни кутмоқчи бўлса, Рамазон ойи охирги ўн кунлигининг еттинчисида кутсин!» дебдилар. Пайғамбаримизнинг ушбу кўрсатмаларига биноан неча йиллардан бери Лайлат ул-Қадр кечаси Рамазон ойининг 26-27 га ўтар кечаси кутиб олинмоқда. Чунки, бу кечани бедорликда ўтказиб, Аллоҳнинг номини тилга олиб, дилдан ёд этганнинг ниятлари мустажоб бўлса, ажабмас.

РЎЗА – САБР СИНОВИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим! Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин! Оллоҳга шукрлар бўлсинким Рамазон ойининг шарофати ила унинг фазилатлари одамлар дилига жо бўлмоқда. Рўзанинг хосиятли эканини табобатчилар ҳам эътироф этишган. Яъни, оч юриш билан турли хасталикларнинг олдини олиш мумкин эканлиги илмий асосланган. Энг муҳими, рамазон ойида одамлар ҳар жиҳатдан тийилишга ҳаракат қиладилар. Хусусан, кам ухлаш, бемаза сўзламаслик, ичиш-чекиш ҳақида ўйламаслик ҳам Оллоҳнинг иноятидан. Ҳатто Рўза даврида кўнглида имон ғунчаси бор инсонлар исломни эътироф этган ҳолда ҳаром-ҳариш иш қилмаслик, кишиларни ранжитмаслик, ҳатто ўғирлик ва жиноятга қўл урмаслик йўлида саъй-ҳаракат қилиб қоларканлар. Бундай пайтлар кўпчиликда инсоф қулф уриб, ўзига хос сабр синовига дош бериш каби сифатлар намоён бўлмоқда.

Биз ўз соҳамиз бўйича бундай фазилатларни амалда намоён бўлаётганини кўришга муваффақ бўлдик.

Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси шаҳобчасида олиб борилган кузатишлар шундан далолат бермоқда. Жумладан, Собир Раҳимов, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур туманлари ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида нохуш воқеалар камроқ бўлаётгани кўзга ташланмоқда. Айтайлик, зарурат важидан баъзиларни суд тиббий кўрикдан ўтказиш чоғида 1994 йилнинг Рамазон ойида жами 90 кишини текширишга тўғри келган эди. Рўзадан кейинги ойда эса уларнинг сони 120 тага етди. 1995 йилда ҳам ўзига хос рақамлар кўзга ташланди. Рўза ойида 110 киши ана шундай кўрикдан ўтказилган бўлса, навбатдаги ойда 155 та одам билан муомала қилишга тўғри келди. Бултур эса бу рақамлар 101, рўзадан кейин эса 179 нафарни ташкил этди.

Рақамлардан кўриниб турибдики, муборак Рамазон ойи шарофати билан оилавий жанжаллар, номусга тажовузлар камайган.

Ҳатто бизга мурожаат қилинган воқеаларга нисбатан хулосага келадиган бўлсак, Рамазон ойларида одам ўлдириш, ўз жонига қасд қилиш ҳоллари ҳам камроқ. 1995 йили жами 44 та ана шундай воқеа кузатилган бўлса, жумладан қасддан ўлдириш 2, ўзини ўзи ўлдириш 1, заҳарланиш ҳам 1 фойиздан ошмади. Рўзадан олдинги ойда эса бу рақам 66 тага етганди.

Воқеа ва рақамлардан аён бўлмоқдаки имон-инсофли ҳар бир бандаи мўмин Рамазон ойи ҳурматини бажо келтиришга, ҳатто Рўза тутмаса ҳам одамларни ҳурмат қилиб, тийилишга ҳаракат қилаётгани кўзга ташланади. Демак, рўза инсон тарбиясида ҳам беноҳоя аҳамиятга эга экан. Оллоҳ ҳаммамизни маҳфират ва ҳидоят йўлига бошласин. Ниятларимиз мустажоб бўлиб, дастурхонимиз тўкин, юртимиз обод бўлаверсин.

Ш. БЕКНАЗАРОВ,
А. АЙДАРҚУЛОВ,
У. ОДИЛОВ,
Тошкент давлат 2-тиббиёт институтининг доцентлари.
Т. ЖАВБЎРИЕВ.
суд тиббий эксперти.

Беш кунлик дунё

ЎЗГА ХОНАДОНДА ЖАНОЗА

Андижонлик кексалар Саид Акбар бойваччани яхши эслайдилар. Уни саховатпешалигидан бойвачча дейишарди. Ҳозирги «БИОХИМИЯ» заводининг ўрни Саид Акбар бойваччанинг боғи бўлган. Айтишларича, бой серфарзанд одам бўлиб, касалмандроқ кенжатойининг атрофида ҳамиша парвона бўлиб юраркан. Шифокорлар болани даволатиш учун Тошкентга олиб боришни тавсия қилишди. Чиндан ҳам йигитча Тошкентда шифо топгандай бўлади. Кенжа ўғил Тошкентнинг ҳавосини, одамларини ҳамиша мақтаркан, ҳатто бир куни отасига Тошкентда бир умр яшаш орзуси борлигини айтибди. Саид Акбар бойвачча ўғли улғайгач, Тошкентдан ҳовли-жой олиб ўйлантиришни дилига тугиб қўйибди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, соғая бошлаган бола бирданига оғирлашадию, жон беради. Кўпни кўрган, бошидан иссиқ-совуқ ўтган ота ўғлининг Тошкентга меҳри тушганини ўйлаб касалхона атрофидаги маҳалладан масжид қидира бошлади. Мусофирнинг масжид сурабсуриштирайтгани одамларга ғалатироқ туюлди. Чунки бомдод намози ўқилган, пешинга узоқ эди. Бунинг устига Отанинг гапириш оҳанги, ранги-туси, ҳаракатлари бошқача эди.

— Хизмат, — деди тошкентлик киши.

— Андижонданман. Ўғлим касалхонада вафот қилди. Тошкентда дафн қилмоқчиман. Шунга масжидда жанозасини ўқиттирсам дегандим.

— Яқин атрофда масжид йўқ. Яхшиси, бизнинг хонадонда чиқараверинг, майитти. Маҳалла катта.

Ота ҳайратда қотди. Наҳотки! У ҳалиги кишига тикилиб қолди. Ростданми? Йўғ-е! Узоқроқ қариндош бўлса ҳам, бир нави эди. Отанинг лол қотганини бояги киши тушунди.

— Қани, юринг, анави уй сизники. Сиз майитти обкелаверинг. Мен одамларни чақириб тураман.

Шу куни нотаниш одамнинг хонадонида жаноза ўқилиб, бегона бир марҳумнинг тобути қўлма-қўл кўтарилиб қабристонга олиб борилди. Бугина эмас. Шу ҳовлида марҳумнинг қирқи чиққунча барча маросимлари ҳам мунтазам ўтказиб турилди.

Ҳозир Саид Акбар бойвачча орамизда йўқ. Аммо унинг фарзандлари, набиралари бор. Улар ўша саховатлилик туфайли Тошкентдаги Школьная кўча, 4-уй соҳиби Абдухалил ака хонадонидагилар билан туғишганлардай иноқ бўлиб кетишди.

ДИЁНАТГА ХИЁНАТ

Андижондаги мирпўстинлик Ҳаким ака Абдурахмонов маҳалла оқсоқолларидан бири бўлиб, катта-ю кичикнинг хизматига камарбаста. Кунига яроқли одам.

Тунгичининг уйини бошқа қилмоқчи бўлиб тўрт сотих ер олиб «ҳайрият» деб, оғзини узатиб ўтирган эди, хонадонига Хайрихон деган узоқ қариндоши ташриф буюрди. Қариндоши кела солиб тор ҳовлида уч хўжалик димиқиб ўтирганидан шикоят қила бошлади. Ҳаким акадан ер участкаси олишга ёрдам беришини сўради.

— Ерми? — узоқ ўйланиб қолди, Ҳаким ака — Тўрт сотихи ҳам бўлаверадими?

Хайрихон опага жон кирди.

— Бўлади, айланай, бўлади. Худо хайрингизни берсин, умрингиз узоқ бўлсин.

Шу куни Ҳаким ака ўзига олган ерни бечорага бериб юборди.

Бир куни қариндоши участкада бирор иш қилдими, деб хабар олгани борса данғиллама уйнинг томи ёпилаётган эди. Хайрихон тушмагур, «уй қураман деб роса тўплаган экан-да» ўйлади у.

«Биз бўлсак сени қўлинг юпқа деб».

Шу пайт чала ҳовлидан алпомиш келбатли бир йигит чиқди-да, Ҳаким тоғани ғапга солди. «Бирортасининг ховлисини излаб юрган», деб ўйлади.

— Хайрихонларники шуми? - сўради Ҳаким ака.

«Хайрихон, Хайрихон» ўйланди йигит. Сўнг деди:

— Шу ер Хайрихон опаники эди. Бизга сотиб юборган.

Ҳаким тоғанинг тарвузи қўлдан тушгандай бўшашиб кетди.

ВАЗИР ВА ҚУДА

Тошкентдаги касалхоналарнинг бирида пойтахтда яшайдиган дўстимиз даволанаётган эди. Андижонлик ёру биродарлар йўқлаб бордик. Дўстимиз юрак ҳуружидан азоб чекаётган экан.

Анча суҳбатлашиб ўтирдик. Энди қўзғаламиз, деб турган эдик эшик оҳиста очилиб башанг кийинган, сочлари силлиқ таралган бўйдор киши кириб келди. Унинг орқасидан ичи тўла қоғоз халталарни кўтарган йигитлар кирди-да, совғаларни кираверишга қўйиб чиқиб кетишди.

Дўстимиз ётган бўйи қимирламай қўлини базўр кўтарди. Ҳалиги меҳмон тез ҳаракат қилиб кафтни олди.

— Келинг.

— Саломатликлар яхшими, қалай, тузук бўлиб қолай дедингизми? Яхши, кечагидан анча тузуксиз, ҳайрият, — деди меҳмон.

Сўнг биз суриб қўйган стулларнинг бирига оҳиста ўтирди.

Ошнамиз меҳмонни таништирди:

— Қудам, вазир, — деди.

Шу гапни эшитгандан кейин биз сал хижолат чеккандай бўлдик. Ошнамиз тушмагур вазирни ҳам шундай кўтадими? Сал бўлмаса кўзи билан имо қилмадиям, ўрнидан ноғига қимирлаб қўймадиям! Бунинг устига вазир чой қўйишни ҳам ўз зиммасига олди. Бир-икки пиёла чой айлангач вазир соатига қаради, сўнг «коллегия бор эди», деб узирини айтди. Вазир чиқиб кетар-кетмас, деразадан аллаким мўралагандай бўлди. Дўстимиз деразадан мўралаган кишига кўзи тушди-ю, ўрнидан қўзғалди. Бу орада ҳалиги одам эшикни очиб ичкарига кирди. Бошида охори тўкилган дўппи, эгнидаги тўнининг қўлтиғи бироз сўкилган, паканароқ киши эди. Оқ дуррага тўғилган алла нарсаларни кўтариб олибди.

Дўстимиз каравотдан ёш йигитлардай сакраб турди. Меҳмон салом бергунча «ассалому алайкум» дея қаршисига борди. Уни ўтиргизгани жой тополмас эди. Меҳмон узоқ ўтирмади. Саломатлигини суриштирдида, хонани тарк этди.

— Вазирни ўрнингиздан қимир этмай кутиб олдингиз. Бу, бу... одамни юрагим тутиб қолади, демай, пешвоз қарши олдингиз-а, — дедик.

— Вазирнинг қизини келин қилганман. Бунга эса қизимни берган эдим, — деди дўстимиз. Сўнг каравотга чўзилиб ётиб олди.

Муқимжон НИЁЗОВ.
Андижон шаҳри.

Kunnoma

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

"BAXT UYI" MUBORAK

"ANDIJON. Qorasuv shahrida yilning dastlabki binosi - "Baxt uyi" foydalanishga topshirildi. Marmar koshinli bu binoni ikkinchi mexanizatsiyalashgan ko`chma jamlanma bunyodkorlari qisqa muddatda bitkazdilar. Ularga "Savdo", "Eljihoz", "Shaharsanoat", "Annur" hissadorlik jamiyatlari va "Qorasuv" jamoa xo`jaligi yordam ko`rsatdilar. "Baxt uyi"da ilk bor nikohdan o`tgan Munisxon va Bahromjon Mamasoliyevlarga shahar hokimi Murodjon Shermatov gilamposyondoz sovg`a qildi.

Ahmadillo SOLIYEV.

XITOY CHINNI BUYUMLARI

TOSHKENT. O`zbekiston davlat san`at muzeyining Sharq bo`limida turli osoriatiqalar qo`yilgan. Ma`lumki, bir vaqtlar Buyuk ipak yo`li bo`ylab harakat qilgan karvonlarda yurtimizga turli buyumlar keltirilgan. Ayniqsa, Xitoyda ishlangan metall, bronza va chinni buyumlar muxlislarni hanuzgacha rom etadi. Xususan, kuldon, likopcha, parvozga shaylangan ajdaho, guldon, kosa, piyola va laganlar XVIII — XIX asrlarga xosligi bilan diqqatga sazovor.

Mahmud AHMEDOV.

OTANING AYTGANI BO`LDI

SAMARQAND. Temiryo`l tumanidagi Sayid Rizo Alizoda mahallasi ahli xayriya jamg`armasi tuzishga ahd qildi. Bundan xabar topgan aka-uka Jamol, Farhod va Komiljon Sharipovlar amakilari Kozim aka rahnamoligida padari buzrukvorlarining vasiyatini ro`yobga chiqarishga kelishishdi. Karimjon ota o`limi oldidan to`qish fabrkasida 54 yil mehnat qilib, to`plagan jamg`armasini "Panjob qabristonini obod etishga sarflashlarini so`ragan edi Otaning aytganlari ijobat bo`ldi.

Lutfulla MAMASOLIYEV.

ОБ-ҲАВО

4-8 февраль кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво қандай бўлади?

Республика об-ҳавони кузатиш марказидан хабар қилишларича, шу даврнинг биринчи қисмида мамлакатимизда вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиб туради. Шимолий ва марказий вилоятларда қор ёғади. Даврнинг иккинчи қисмида ёғингарчилик кутилмайди. Ҳаво ҳарорати бироз пасайиб, кечаси 6—11 даража совуқ, кундузи 3—8 даража илиқ бўлади.

Жанубий ҳудудларда ҳаво ҳарорати кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида, кундузи 5—10 даража илиқ бўлиши мумкин. Шимолий вилоятларда ҳаво ҳарорати кечаси 4—9 даража совуқдан 12—17 даражагача совуқ, кундузи эса 0—5 даража совуқ бўлиши кутилмоқда.

Мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда шу кунлар бошида қор ёғади. Қолган пайт ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 6—11 даража совуқ, кундузи симоб устуни 3—8 даражани кўрсатади.

Бола бошидан

КЎНГИЛГА УЧҚУН ТУШДИ

Бекатда эрталаб одам кўп бўлади. Кимдир ишга шошилади, кимдир муҳим бир юмушни худди шу бугун бажаришни ният қилиб йўлга отланган — хуллас, ҳар ким ўз ризқини, тилагини излаб уйдан чиққан.

Бекатда йигирма-ўттиз чоғли одам турибмиз. Шу пайт мактаб дарвозасидан етти-саккиз ўспирин қичқириб, шовқин-сурон билан чиқиб келди. Уларни кузатиб турганлар шундай тахминга тўхташлари аниқ эди: мактабда дарс бўлмай қолган ёки дарс бўлаётган жойдан бу саккиз нафар «қаҳрамон» қочиб чиққан. Энди булар ҳозир маҳаллага ўтадилар-да, қайси биринингдир уйига бориб теннис ўйнайдилар ёки бошқа ишлар билан машғул бўладилар. Кейинги дарс бошлангунча нима биландир банд бўлишлари керак-ку ахир...

Ўқувчи болаларни кузатиб туриб, бошқалар қатори мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Шу пайт...

Муҳтарам газетхон, худди шу ерда Сиз «ана бошланди, ҳозир ўқувчилар ундай, ўқувчилар бундай деб, мактабларда тартиб йўқлигини айтиб ёзғира бошлайди» деб ўйлаётган бўлсангиз керак.

Йўқ, мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Мени тўлқинлантириб юборган воқеа шундан иборат бўлдики, ўқувчилар шовқин-сурон билан мактабдан чиқдилар, ҳамманинг эътиборини ўзларига тортдилар. Шу пайт ўспиринларнинг бири кўча юзидаги кўшк-дўкондан бир боғлам «қарс-қурс» сотиб олди, қарс-қурснинг оғзини очиб, югуриб ўртоқларига етиб келди-да, ҳаммасига бир ҳовуч-бир ҳовучдан улаша бошлади. Навбат энг баланд бўйли, энг шовқиндор йигитчага келди — уям барча ўртоқлари қатори ҳовучини очди. Худди шу пайтда икки дона қарс-қурс йигитчанинг қўлидан қочиб ерга — асфальт йўлга тушди, ҳозир янчилиб-эзилиб, ер билан яксон бўлади...

Ўсмир болалар йўлни кесиб ўтаётир. Шовқин-сурон, кулги, шўхликлар. Бекатдаги ҳамма одам уларга қараб турибди. Қовурилган жўхорининг икки донаси ерда ётибди... Шунда қарс-қурсни қўлидан туширган йигитча энгашиб, ерга тушган ажиб неъматни олди-да, пуфлаб-куфлаб четга, дарахт тагига, буталар устига қўйди. Яна хохолашиб-қичқиришиб, маҳалла томон кетаётган ўртоқларига қўшилди.

Воқеа тамом.

Лекин мени бошқа нарса ўйлантирди. Ўзимча шундай мулоҳаза қилдим:

Бу болакайнинг уйида ота-онаси ёки кекса буви-буваси нонни, яратилган барча нозу неъматни ҳурмат қилиш, ўтаётган ҳар бир кун учун, ҳар бир ризқу насиба учун шукрона қилиш лозимлиги ҳақда мунтазам айтган, айтаверган. Айтилган гаплар эътиқод даражасига ўсиб чиқиб, боланинг кўнглига ўрнашиб қолаверган, ўрнашиб қолаверган. Натижаси мана, ўспирин йигит кўча юзига тушган макка донасини иззатлаб-ҳурматлаб, худди нон ушоғидай авайлаб четга қўйди. Бу билан бола инсон учун яратилган ноз-неъматни фақат ҳурматлабгина қолмади, ўзбекнинг жуда қадимий, минг йиллик урф-одати ҳамон тириклигини, ўлмаслигини ҳам намойиш қилди.

Рости, кейинги пайтларда биз катталар ҳозирги болаларнинг қулоқсиз бўлиб ўсаётгани, мактабларда ҳам интизом бўшашиб кетгани ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қолдик. Бўлса бордир. Аммо, бола тарбияси ўзимизнинг қўлимизда-ку, буни нега унутамиз? Бола-ниҳол деган гап, уни қай томонга эгиб юбориш ҳам ўзимизнинг қўлимизда-ку, буни нега унутамиз? Ҳар куни, ҳар соатда, имкони туғилган ҳар бир вазият-воқеада фарзандларимизга оқу қоранинг, яхши-ёмоннинг, савобу гуноҳнинг, ҳалол-ҳаромнинг фарқини ўргатиб бориш — бизнинг бурчимизку, буни нега унутамиз?

Ўша куни ўспирин бола шу бир ажиб одатимизни намойиш қилиш билан бирга, бекатдаги турли миллат вакилларига ҳам асл ўзбекликдан бир сабоқ берди, кўнгилларга ёруғ бир учқун ташлаб кетди...

Музаффар АҲМАД.

Спорт

МАВСУМГА ҲОЗИРЛАНИБ

Эртага Фарғонада анъанавий мавсумолди учрашувлари бошланади. Водий футбол жамоалари ўртасида ташкил этилаётган бу галги баҳсларда Свердловскнинг «Уралмаш» жамоаси ҳам иштирок этади. Бугунгача эса мамлакатимиз турли шаҳарларида бир қанча ўртоқлиқ учрашувлари бўлиб ўтди. Хусусан, «Дўстлик» футболчилари Янгиер (1:0), Металлург(5:1) жамоаларини доғда қолдиришди. Айни пайтда «Металлург» — «Чилонзор» жамоаси билан учрашиб (2:1), ғалаба қозонди. Пахтакорчилар ҳам иккита учрашув ўтказдилар. Қозоғистоннинг «Мунайши» жамоасини (2:1) енгиб, тракторсозлар билан учрашувни (1:1) дуранг қилишди. «Нефтчи» эса «Темирйўлчи»ни 7:3, МҲСК футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

КУБОК ЯНА КИЕВДА

Москвада футбол бўйича МДҲ чемпионлари кубоги учун ўтказилган анъанавий мусобақа якунланди. Маълумки, бу совринни спартакчилар 3 марта қўлга киритишган эди. Киев динамочилари бултур ғалаба қозонишгани мухлисларга аён. Киевликлар бу сафар ҳам бўш келишмади. Улар ҳал қилувчи учрашувда пойтахт спартакчилари билан майдонга тушиб (3:2), бош совринни яна қўлга киритдилар.

«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ АТД»

Ўзбек — турк қўшма корхонаси полипропилен ун қопларини ҳамда тегирмон валларини пул ўтказиш йўли орқали

СОТАДИ

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Асака кўчаси, 52. НПО «Технолог» биносининг 4-қаватида (3-ун заводининг ёнида).
Тел: 68-77-36.

Тошкент ҳисоб-кредит техникуми томонидан 1987 йилда Д. Б. Фозилов номига берилган 064182 сонли қайд тартиби № 496 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1997 йил абитуриентига!

Давлат тест маркази қошидаги «Donishmand» фонди олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кирувчиларга мўлжалланган тест топшириқларидан иборат «Ахборотнома» ва «Вестник» тўпламлари сотувга чиқарилиши бошланганлиги маълум қилади.

Тўпламлар рус ва ўзбек тилларида чиқарилади.

Ҳақ тўлаш — исталган шаклда

Манзилимиз: Тошкент, Бобур кўчаси , 22 «а» уй.
Телефонлар: (3712) 55-98-29, 62-78-43.

Тошкент шаҳар Миробод тумани Давлат солиқ назорати бўлими жамоаси ходим Раъно Қодировна Қодировага отаси **Абдулхай Қодирович ҚОДИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Салим АШУРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Виктор ЗВЕРЕВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи Н. ШОНИЁЗОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 32 335 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 072

Босишга топшириш вақти – 21.00.
Топширилди – 22.00

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА